2013 йил — Обод турмуш йили

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT — XALQ ZIYOLILARI GAZETASI — معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 8-dekabr, shanba № 97-98 (8539)

ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадрли дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, сиз азизлар билан мана шу гўзал ва муҳташам саройда учрашиб турганимдан, шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга чуқур ҳурматимни билдириш, сиҳат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан бахтиёрман.

Бугун биз Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги қутлуғ сана — халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Конституциямизнинг 20 йиллигини байрам қилмоқдамиз.

Ана шу улуғ айём билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади.

Тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эдиг-у, бугун ким бўлдик, деган табиий саволни бериш ўринли деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий кўптармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бораётгани мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўриш мумкин.

Ўтган даврда бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга яхши маълум. Лекин буларнинг барчасига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

(Давоми 2-, 3-, 4-бетларда.)

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг йигирма йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

(Давоми 5-бетда.)

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнак ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Аввалambор, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган сиз азизларни Конституциямизнинг йигирма йиллик қутлуғ байрами билан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга катта хурсандчилик етказади, — деди Ислом Каримов. — Ҳар йили Конституция куни арафасида мана шу муҳташам саройда тўпланиб, Ватанимиз равнақи йўлида ўзининг фидойи ва ҳалол меҳнати билан бошқаларга ибрат ва намуна бўлиб келаётган, юксак унвон, орден ва медалларга муносиб бўлган юртдошларимизга ушбу мукофотларни тантанали равишда топшириш яхши анъанага айланиб қолди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда шу кунларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ғойибона бағримга босиб, муборакбод этиш, энг самимий тилакларимни билдириш мен учун катта шарафдир.

Бугун бир ҳақиқатни мамнуният билан такрор айтмоқчиман: ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида — бу саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги бўладими, қурилиш, транспорт-коммуникация тизими бўладими, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, тинчосуда ҳаётимизни ҳимоя қилиш бўладими, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спортни ривожлантириш бўладими — лўнда қилиб айтганда, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ислоҳотларни изчил амалга оширишга, юртимизнинг гуллаб-яшнашига бор билим ва тажрибасини бағишлаб, катта ҳисса қўшаётган сизлар каби минг-минглаб инсонларнинг хизматларини, мардлик, одамийлик, бағрикенглик фазилатларини халқимиз муносиб баҳоламоқда, деди Президентимиз.

Ҳозирги кунда дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда қанча-қанча қийинчилик, қанча нотинчлик, инқироз кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонимиз юксак марраларга эришаётган экан, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, бундай ютуқлар аввало халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган сиз азизларнинг фидокорона меҳнатингиз ҳисобидан қўлга киритилаётганини эл-юртимиз юксак қадрлайди.

(Давоми 5-бетда.)

ВАТАН КАФТИДАГИ ЖАВОҲИР



Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудидаги дунё цивилизацияси ривожланишида катта ўрин тутган, ўнлаб асрлар давомида шаклланган тарихий шаҳарлар, 10 мингдан ортиқ меъморий ва тарихий обидаларни авайлаб сақлаш, келажак авлодларга етказиш йўлида чинакам тарихий ишлар амалга оширилди.

6, 11

БУ ҲАЛИ БОШЛАНИШИ...



Чемпионлик йўли осонми? Чемпионлар қандай оилада улғаяр экан? Қуйида юртимизнинг иқтидорли ёш шахматчиларидан бири, 8 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторовнинг чемпионлик йўлига назар ташлаймиз.

7, 10

АХБОРОТ — МАНБА, АХБОРОТ — ҲУҚУҚ

унинг муҳофазаси эса глобал аҳамиятга эга



Дунё янги давр — ахборот асрига, электрон иқтисодий фаолият, тармоқ жамоатлари ва чегарасиз ташкилотлар асрига қадам қўйди. Ахборот — муҳим манба, ахборот — устунлик, ахборот ҳуқуқ ҳамдир.

18

ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ –

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу ҳақда сўз борганда, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008—2012 йилларда, яъни охирги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, "ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт модели мужассам топган.

Шулар ҳақида гапирганда, аввалambor, тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, демократик ислоҳотларни босқичма-босқич жорий қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги ролини тан олиш ва ўтиш даврида унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби принципларни кўзда тутамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, таъкидлаш керакки, ҳар қандай демократик тизим негизида ётган — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган **сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислоҳотларнинг таъсирини кўрамиз.**

Бу — собиқ совет даврида-ги марказлашган режали-тақсимот тизимидан воз кечиш ва бозор иқтисодиётининг бутун дунёда қабул қилинган тамойилларига ўтиш, Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида **хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш демакдир.**

Бу — айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф — **яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб биладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланишини таъминлаб берган **яна кўплаб ҳал қилувчи омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.**

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамиз: демократлаштириш ва либераллаштириш, биз учун принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлган давлатни шакллантириш — бу **бир-икки йилда ҳал этиладиган вазифа эмас, балки муайян муддат билан чегараланиб қолмайдиган узоқ ва узлуксиз жараён эканини яхши англаймиз, албатта.**

Шу маънода, 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган **демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давомидир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.**

Ислоҳотларни босқичма-босқич, изчиллик ва тадрижий ривожланишнинг давомийлиги асосида амалга ошириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Концепция, ўз моҳият эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг **узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегиясидир.**

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йилларида тўпланган оз бўлса-да, лекин ғоят мазмунли тажрибамиз бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда. Яъни, фақат демократик ўзгаришларнинг ҳаётда ўзини оқлаган моделлари негизида чуқур асосланган сиёсий йўл ва ислоҳотларни изчил амалга ошириш, бугунги дунёдаги тарихий ва реал воқеликни эътиборга олиш ҳисобидангина бу ислоҳотларнинг муваффақияти ва самарадорлигини, давлат ва жамиятнинг, аҳоли турмуш даражасининг юксак ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлаш мумкин.

Демократик ислоҳотларни қандайдир ҳавойи мақсадлар, амбициялар ва сохта обрў топиш учун суньий равишда тезлаштириш, ўз хоҳишини амалдаги ҳақиқат деб кўрсатишга уриниш одатда тескари натижага олиб келади ва буни кўплаб мисолларда кўриш қийин эмас.

Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинди, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турибди.

Шулар қаторида 2011 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96, 98-моддалар) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ғоят муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун Президент — Давлат бошлиғи билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида янада мутаносиб конституциявий ваколатлар тақсимотини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда, шунингдек, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти жорий этилган, айрим ваколатлар Президентдан Сенатга — Парламентимизнинг юқори палатасига ва мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасига берилган, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

Парламентимиз томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга киритилган қўшимчалар ҳам сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада либераллаштириш, "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳамда ахборот тизимини ислоҳ этиш, хусусан, мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан модернизация қилиш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган ахборот-коммуникация технологиялари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида", "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида", "Жамоат назорати тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошкоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қилади.

Бу йил қабул қилинган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг роли ва аҳамияти бағоят катта, деб ўйлайман. Бу қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Ҳозирги вақтда янги таҳрирда амал қилаётган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва улар асосида имзоланган "Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини ва қулайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шу борада айтилган фикрларни якунлаб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ана шу барча қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормаларнинг ижросини мониторинг қилиш ва назоратга олиш ташқи ва жаҳон бозорларида глобал инқироз авж олиб бораётган бир шароитда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси ҳақида тўхталиб ўтиш кўп вақт талаб этади ва ўз-ўзидан равшанки, бунинг ҳожати ҳам йўқ.

Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни, **Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек** буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимдир.

Ана шундай юксак мақсадларга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бу — ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг онгу тафаккури ва дунёқарашида юз бераётган ўзгаришлар, унинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабати, тобора ўсиб бораётган сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, десам, асло муболаға бўлмайди.

Эски мустабид ўтмишнинг оғир юки ва мероси ҳаётимизда бархам топмоқда, одамларимиз бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини яхши тушуниб етмоқда, уларнинг миллий манфаатларимизга нақадар жавоб бераётгани ёки бермаётганини ўзига аниқ тасаввур этмоқда. Нега деганда, шуни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим, **биз кўпни кўрган, курашларда тобланган, орномусимиз, қадр-қимматимизни, муқаддас динимиз ва қадриятларимизни юксак баҳолайдиган халқмиз.**

Мухтасар қилиб айтганда, эл-юртимиз нималар ҳисобидан, қандай оғир ва машаққатли кунлар, синовларни бошдан кечириб, бугунги ютуқ ва марраларга эришганини холисона баҳолаб, ҳар қандай кибр-ҳаво кайфиятларига берилмасдан, оёғимиз ердан узилмасдан, эртанги ёруғ, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажагимизга онгли равишда қадам қўймоқдамиз.

Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир.

Бу — Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир.

Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олмоқда.

Ишончим комил, бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпайса, қанча ривож топса, ҳеч шубҳасиз, марра бизники, Ўзбекистонникидир.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессияларо тафовутлар негизида вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда.

Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиб кетиш хавфи, муросасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

АЙСЕФ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014

ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

йилгача ва ундан кейин қўшни Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишда ривожланиши бугунги қарама-қаршиликнинг миллатлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли экспертлар томонидан истисно этилмаяпти.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант — бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантиришдан иборат.

Бу гуруҳ хатти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносиб муқобил варианти йўқ.

Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакати келажагини ўйлаб танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу принципга амал қилади.

Халқаро ҳамжамиятда катта акс садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар мужассамдир.

Мазкур концепция давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон, аввалambor, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда:

турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларини аниқ-равшан баён этади.

Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй берётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ташқи сиёсатини айни шу принципларга асосланиб олиб боришни барча юртдошларимиз, бутун халқимиз қўллаб-қувватлайди.

Ҳурматли дўстлар!

2012 йилга мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берганимиз ва шу асосда азал-азалдан ҳаётимизнинг таянчи ва суянчи бўлиб келган, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оила институтини янада ривожлантиришга қарор қилганимиз халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилга айни шундай ном бериш орқали ҳаёт абадийлигини, ҳар қайси инсоннинг бахту саодати, келажаги, орзу-интилишларини мужассам этадиган оилани янада мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш, бу борада олиб бораётган барча ишларимизни янги босқичга кўтаришдек олижаноб режаларни амалга ошириш кўзда тутилгани ҳаммамизга яхши аён.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурининг ижроси, унда белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларни бажариш натижалари, уларнинг амалий таъсири ва самараси ҳақида йил якунига кўра жойларда бўлиб ўтадиган йиғилишларда албатта батафсил ҳисобот берилади, деб ўйлайман.

Бугун эса, рухсатингиз билан, ана шу дастурнинг маъно-мазмунини ифода этган энг асосий ва устувор йўналишлар бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Биринчи навбатда, **оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш** масалаларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бугун замон талаб этаётган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва бунинг учун ҳуқуқий нормаларни шакллантириш, Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунларни қабул қилиш шулар жумласидандир.

Жорий йилда оила, биринчи навбатда **ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш** каби ўта муҳим масалалар диққатимиз марказида бўлди.

Ана шу мақсадда «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та кўпқаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мазкур банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оилаларнинг рўзғорини бутлашда, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди.

Дастур доирасида биз **эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтиришга** алоҳида эътибор берганимиз ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Шулар ҳақида гапирганда, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй паррандаси тарқатилганини қайд этиш лозим.

Жорий йилда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга қиймати қарийб 28 миллиард сўмдан иборат бўлган қишки кийим-кечак берилди. Янги ўқув йилида 510 мингга яқин биринчи синф ўқувчиси, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 11 мингга яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўқув анжомлари тўплами билан таъминланди.

Айни вақтда ўқувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида 190 мингта спорт кийимлари тўплами уларга совға тариқасида берилгани, 50 минг нафар бола бепул, 270 минг нафар бола эса имтиёзли асосда ёзги оромгоҳларда дам олдирилганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, юртимиз бўйича мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган ёш оиланинг никоҳ тўйлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилди.

2012 йилда яна бир долзарб вазифа — **аҳоли бандлигини таъминлаш** масаласига устувор аҳамият қаратилди. Бу борада кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини алоҳида тилга олиш зарур, деб биламан.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани биз учун ўта муҳим бўлган бандлик масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.

Парламентимиз қабул қилган **оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш** борасидаги қонунларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг салоҳиятидан фаол ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида илгари кўрилмаган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада "Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ хонадонларнинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда электр маиший техникаси ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда аввалги йилларга нисбатан 4 баробар ошди.

Юртимиздаги оилаларга уч йилга мўлжалланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитлари ажратилгани опасингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳолининг турмуш маданиятини оширишга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир.

Шу ўринда яна бир эътиборга лойиқ масалага тўхталмоқчиман. Бу йил **қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш** бўйича кўрилган қўшимча чора-тадбирларга асосан қарийб 108 миллиард сўм ва 96 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб, 1 минг 220 километрдан зиёд янги сув тармоқлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Бу эса 872 та аҳоли пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

Етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, **оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш** бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Ана шу тадбирлар ҳисобидан юртимиздаги 4,5 миллиондан зиёд ўқувчининг 76 фоизи мактаблар ва "Баркамол авлод" болалар марказларида ташкил этилган фан, мусиқа ва санъат тўгаракларида, спорт машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

Йил давомида мингга яқин умумтаълим мактаби замонавий компьютер хоналари, 1 минг 150 тадан зиёд касб-ҳунар коллежидаги ўқув устахоналари амалий машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар, хомашё маҳсулотлари билан таъминланди. "Электрон таълим" лойиҳаси доирасида олий ўқув юртларининг кутубхона фондларини электрон шаклга ўтказиш борасидаги дастурий ишлар бошланди.

Интернет тармоғида ишлаш кўникмаларини эгаллаш бўйича қишлоқ ёшлари учун ишлаб чиқилган махсус ўқув дастури асосида 30 мингга яқин йигит-қиз ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўз билимини оширишга муваффақ бўлди.

"Мустаҳкам оила йили" дастури асосида **соғлиқни сақлаш соҳаси** бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилганини бугун мамнуният билан таъкидлашга ҳақлимиз.

Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасидаги чора-тадбирларимиз йил давомида янги босқичга кўтарилди.

(Давоми 4-бетда.)

ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда.)

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташхис қўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Шу борада Тошкент шаҳрида 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларидан иборат маблағ ҳисобидан қуриб битказилган, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этиши билан айниқса эътиборлидир.

Таъкидлаш керакки, "Мустаҳкам оила йили" **жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий қадриятларни асраб-авайлаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши туришда бефиёс куч бўлган оиланинг ўрни ва нуфузини оширишга** қаратилган кўплаб тадбирларга, жумладан, турли кўрик-танловлар, фестивалларга, кўргазма ва ижодий кечаларга бой бўлди.

Мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга молик бошқа объектлар қатори **замонавий спорт иншоотлари барпо этиш, бу йўналишдаги инфратузилма тармоқларини янада кенгайтириш** борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзида 168 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди ва бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

Юртимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, ўзбек футболи ривожини янги босқичга кўтариш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида замонавий "Бунёдкор" спорт мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини яна бир бор ёрқин намоён этди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу мажмуа ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юксак марраларни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган тизимли ишларимиз бугунги кунда ўзининг амалий самараси ва ҳосилини бермоқда.

Ўзбекистоннинг футбол бўйича иккита терма жамоаси — **ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз ҳамда ёшлар терма жамоамиз Осиё қитъасининг маънаман деган, энг кучли мамлакатларининг терма жамоалари билан кескин курашларда ғалаба қозонгани,** келгуси йили жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, нафақат футбол ишқибозлари ва спорт мухлисларини, ўйлайманки, бутун халқимизнинг кўнглини кўтариб, ғурур ва ифтихор етказди, десам, адашмаган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, ёш футболчиларимизга, Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтариб келаётган барча спортчиларимизга, устоз-мураббийларга ташаккур билдириб, уларга бахт ва омад тилашга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам ватандошлар!

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида батафсил сўз юритишга кўп вақт кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Мен бу ўринда эътиборингизни фақатгина битта рақамга қаратишни жоиз, деб биламан.

Дастур доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бизнинг амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва микёси нақадар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, хорижий ва халқаро тузилмаларга, шу залда ўтирган чет давлатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакилларига, эзгу мақсад йўлида сидқидилдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, "Мустаҳкам оила йили" ўзининг туб мазмун-моҳияти, руҳи ва фалсафаси билан, амалий таъсири ва натижаси билан эл-юртимиз хотирасида чуқур из қолдиради, десам, сиз азизлар шу фикрга қўшиласиз, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2013 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб олишимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бизнинг бу борада тўплаган тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, йилга фақат чиройли ном бериш эмас, бу ғояни мутлақ кўпчилик, умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун билан, таъсирчан ва самарали тадбирлар билан тўлдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт.

Лўнда қилиб айтганда, йилга ном бериш негизида аввалambор ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш — айни шу каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозим.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади.

Мустақиллик йилларида "Ободлик кўнгилдан бошланади" деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бундай мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, ўзбекона айтадиган бўлсак, барчамизнинг ҳаракат ва интилишларимиз негизида аввалambор юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айни шундай орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай ғоя ва интилишни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда ғоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Азиз дўстлар, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда **"Обод турмуш йили"** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Биз 2013 йилга шундай ном берар эканмиз, ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад деб биламиз.

Шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурида қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Биринчидан, Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Албатта, бу масала бўйича масъул бўлган тегишли идоралар бор, куч-қудратимиз ҳам етарли. Лекин қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин.

Иккинчидан, обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида аввалambор фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Дастурни тайёрлашда аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг "Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик" деган мақоли замирида мужассам бўлган ҳақиқатни ҳаётимиз тарзига айлантириш йўлида янги йилда ҳам катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, обод турмушнинг яна бир муҳим шарти — бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога қўл очар экан, аввало, "Тани соғлик, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимиз обод бўлсин", деб ният қилиши бежиз эмас, албатта.

Шу боис халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади.

Тўртинчидан, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Бешинчидан, биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти — бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир.

Шу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғликдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим.

Албатта, 2013 йилда ўз олдимизга мана шундай катта вазифаларни қўяр эканмиз, уларни рўёбга чиқариш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этади, деб ишонаман.

Азизларим, қадрдонларим!

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз бизнинг мустақиллик йилларида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлмиш инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилишига аминман.

Яна ва яна бир бор барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда аввало халқимизнинг меҳнати ва матонати, амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар ҳисобидан, янги мақсадларга интилиш ҳисобидан эришилаётган ютуқ ва марраларнинг жаҳон миқёсида тан олинаётганининг ўзи барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ана шундай юксак эътироф ҳақида гапирганда, биз яхши тушунамиз, англаймиз: бундай марраларни эгаллаётганимиз, уларни халқаро жамоатчилик тан олаётгани негизида мана шу муқаддас юртимиз, гўзал диёримизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси бор, албатта, деб таъкидлади Президентимиз.

Шу маънода, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз, ана шу ютуқларда менинг ҳам хизматим, менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб айтишга ҳақли, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, Оллоҳнинг марҳамати билан ана шундай кўпни кўрган, кўп синов ва қийинчиликларда тобланган мард ва танти, эртанги кунга катта ишонч билан қадам қўяётган бағрикенг халқимиз, тобора кучга тўлиб бораётган, биз бошлаган ишларнинг давомчилари бўлган ёшларимиз бор экан, қандай қийин бўлмасин, келажак марра бизники, десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган инсонларни яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, ҳаммангизга янги-янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгра Президентимиз Ислом Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Ҳар бир инсон, у қайси ёшда бўлмасин, қайси соҳа ёки лавозимда ишламасин, ота-онаси, фарзандлари олдида, ўз Ватани, келгуси авлодлар олдида ҳалол ва виждонан қилган меҳнатининг ҳосилини, ўз хизматининг тан олинишини, қадр топганини кўрар экан, мен ўйлайманки, бундай инсон ўзини албатта бахтли деб ҳис қилади, — деди Президентимиз. — Бугун сизларнинг кўзларингизга, чеҳрангизга боқиб, худдики ўзимни ҳам сизлар қатори мукофот олгандек сезмоқдаман.

Менинг ниятим, эзгу тилагим битта: доимо эл-юрт ардоғида бўлиш сизларга насиб этсин. Кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак нишонлар барчангизга буюрсин, сизларга янги куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишласин. Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин, деди пировардида Юртбошимиз.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси Содиқжон Турдиев, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори Холиджон Комилов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари Лилия Пак, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози, Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўлими мураббийи Людмила Поливанова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси Алишер Турдиев, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби, "Ўзбекгеофизика" очиқ акциядорлик жамиятининг "Устюрт геофизика экспедицияси" филиали геология бўлими бошлиғи Максет Реймов, "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби, Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Фарруҳ Зиябоев давлатимизнинг ушбу юксак мукофотлари бундан буён Ватан тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янгидан-янги марраларни эгаллашга илҳомлантиришини таъкидладилар, юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирдилар.

ЎзА

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этишини алоҳида таъкидлади.

Шу кунларда халқимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллигини кенг нишонламоқда. Бу улуғ айём мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг, бугунги ва келажак авлодларнинг тақдирига дахлдор.

Ҳар бир юртдошимиз, бутун халқимиз ҳаётидаги барча ўзгариш ва янгиланишлар, мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб бораётгани Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамининг яна бир муҳим жиҳати, шу куни халқимиз, жамиятимизнинг орзу-интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йил Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинган эди.

Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, жисмоний соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда **"Обод турмуш йили"** деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

ЎзА

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фидойи ва ташаббускор ҳамюртларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллиги катта шоду хуррамлик билан нишонланаётган шу кунларда мазкур мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган шундай тадбирга пойтахт фаоллари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ижтимоий-иқтисодий жабҳалар, қурилиш, транспорт, саноат, ободонлаштириш соҳаси вакиллари таклиф этилди.

Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожида Тошкент шаҳри муҳим ўрин тутади. 2012 йилда ҳам пойтахтимизда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшувчи янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватлари, қўшма корхоналар ишга туширилди. Болалар ижодиёти марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, оилавий поликлиникалар, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари, маҳалла гузарлари оилалар фаровонлигини таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, халқимиз саломатлигини асрашга хизмат қилмоқда.

Истиқлол айёмининг 21 йиллиги арафасида бу ерда академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуаси қад ростлагани халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш, миллат генофондини янада соғломлаштириш, сифатли, юқори малакали, тезкор тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги эзгу ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Мамлакатимизда футболни ривожлантириш, истеъдодли спортчиларни вояга етказиш мақсадида муҳташам "Бунёдкор" стадиони, энг замонавий талабларга жавоб берадиган болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилди.

Бу сингари улкан ишларни амалга оширишда ҳамюртларимиз фидойилик намунасини намоён этмоқда. Тадбирда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳамюртларимизга фахрли унвонлар, орден ва медаллар тантанали тарзда топширилди.

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, хотин-қизларни эъзозлаш, уларга меҳр-эътибор кўрсатиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг бош шифокори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси Гулираъно Усмонова. — Камтарона меҳнатимнинг бундай юксак қадрланиши тизимидаги барча ҳамкасбларим, жамоамизга билдирилган ишонч демакдир. Бу ишончга муносиб бўлиш, яратилган барча шароит ва имкониятларнинг қадрига етиш бизнинг бурчимиздир.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

* * *

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъаналаримизнинг бардавомлигини таъминлаш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Бу йўналишдаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ижодкор зиёлилар, миллий адабиётимиз, илм-фан, соғлиқни сақлаш тизими фидойилари, санъат ва маданият, оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Уларни бадиий жиҳатдан юксак, эзгу ғояларга даъват этувчи асарлар яратишга руҳлантириш, меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали тадбирга ёзувчи ва шоирлар, драматурглар, олимлар, тадқиқотчилар, режиссёрлар, актёрлар, мусаввирлар, санъаткорлар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тантанали тадбирда миллий маданият ва санъатимиз, оммавий ахборот воситалари ривожи давлатимизнинг доимий эътиборида экани алоҳида таъкидланди. Юртимизда жаҳон андозалари даражасидаги санъат саройлари, маърифат масканлари, театрлар, кўргазма заллари, болалар ижодиёти учун кўркам биноларнинг барпо этилаётгани, республика ва халқаро миқёсда турли ижодий лойиҳалар, фестивалллар, кўрик-танловлар муваффақиятли ўтказилаётгани бунинг далилидир.

— Бугунги мураккаб глобаллашув даврида ёшларнинг қалби ва онги, уларнинг бадиий диди, эстетик тарбияси, дунёқараши, маънавияти, ахлоқи учун масъуллик асосан биз — ижодкорларнинг зиммасида, — дейди Мукимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри актёри, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Турғун Бекназаров. — Давлатимиз томонидан ижодкор зиёлиларнинг бу шарафли вазифани муносиб адо этиши йўлида зарур барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Билдирилган бундай юксак ишончга, кўрсатилаётган меҳр ва эътиборга муносиб бўлиш бурчимиздир.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, вазирлик ва идоралар, ташкилотларда бўлиб ўтмоқда.

ЎзА

ВАТАН КАФТИДАГИ ЖАВОҲИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ, 49-МОДДА

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

...Қайсидир элу элатлар, эҳтимол, бойлигу қувват деганда олтину дурлар ғамлашнигина ўйлаб хотиржамлик ҳиссини туяр. Балки, бизнес оламидаги омаду илдам одимлар баъзи мамлакатлар учун том маънодаги қудрат манбаи саналар. Амр қилсангиз бас, одамизод адо этадиган жамики юмушларни, ҳеч бир рад этмайин, ниҳоясига етказувчи роботларнинг кетма-кет авлодини яратаётганлар бугунги оламшумул кашфиётлари эртанги куни учун мустаҳкам пойдевор яратажагига қаттиқ инонишар... Буюк келажагини баркамол авлодлари тимсолида тасаввур этиб, фарзандларининг ҳар томонлама соғлом, ҳур фикрли, билимли ва зукко бўлиб улғайиши борасида олиб бораётган ислоҳотлари ила дунё аҳлини ўзига қаратаётган Ўзбекистон халқи эса том маънодаги мамлакат ва миллат қудратини юксак маънавиятда деб билади. Зотан, муҳтарам Президентимиз иборaси билан айтганда, «Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади». Ҳатто не-не тараққий топган давлатларни ҳам бир силкитиб олган иқтисодий инқирознинг бизни четлаб ўтганиёқ, юртимиз истиқлол йилларида ўзининг иқтисодий мавқеини бир қадар тиклаб олганини кўрсатиб туради. Биз бугун ана шу юксалишнинг асосий таянчи вазифасини ўтовчи маънавий комиллик хусусида фикр юритмоқчимизки, таъбир жоиз бўлса, бу етукликни тарбият этувчи сабоқлар — Ватаннинг кафтидаги жавоҳир мисол азиз тутилувчи тарихий ва маънавий, маданий меросларимизга ҳукумат миқёсидаги эътибор ва фуқаро сифатидаги муносабатларимизга кўп жиҳатдан дахлдордир. Бош Қомусимизнинг 49-моддасида алоҳида қайд этиб ўтилганидек, «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир».

Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳар бир боб, моддалар мазмун-моҳиятини теран англаш ва уларга амал қилиш ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонликни таъминлайди, қабул қилинажак ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг негизи Бош Қомусимиз бандларига бориб туташади.

Биз бугун моддий ва номоддий меросларимизни асраб-авайлаб келажак авлодга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар хусусида фикр юритмоқ учун давра суҳбатига ёшларнинг Конституциямиз сабоқларини мукаммал эгаллашларида фидойилик кўрсатаётган бир гуруҳ олимларимизни таклиф этдик.

— Халқимизнинг моддий ва номоддий мерослари сирасига нималар киради? Мазкур мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида миллий қонунчилигимизда қандай ўзига хос тизим яратилган?

Садриддин Хидиров, Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири:

— Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунига кўра, моддий маданий мерос объектларига тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар, номоддий маданий мерос намуналарига эса асрлар оша қийматини йўқотмай келаётган урф-одатлар, халқ ижодиёти (жумладан, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, маданий маконлар киради. Мазкур маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида миллий қонунчиликнинг ўзига хос тизими яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддаси бу борадаги энг асосий ва муҳим қоидаларни белгилайди ҳамда жорий қонунлар ва қонуности ҳужжатлари учун бошланғич негиз вазифасини ўтайди. Шу аснода, жумладан, Фуқаролик кодекси, 2001 йил 30 августдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган 2002 йил 29 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги низом, 2010 йил 7 октябрдаги "2010—2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича Давлат дастури", 2011 йил 23 февралдаги "Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тўғрисида"ги ва "Номоддий маданий мерос объектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомлар ва шу каби бошқа меъёрий ҳужжатлари яратилди.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 20 yilligiga



Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудидаги дунё цивилизацияси ривожланишида катта ўрин тутган, ўнлаб асрлар давомида шаклланган тарихий шаҳарлар, 10 мингдан ортиқ меъморий ва тарихий обидаларни (уларнинг 6113таси давлат муҳофазасига олинган, шу жумладан, меъморчилик обидалари — 2164, археологик обидалар — 3186, монументал санъат ёдгорликлари — 763та) авайлаб сақлаш, ҳисобга олиш, ўрганиш, таъмирлаб, келажак авлодларга етказиш, дунёга олиб чиқиб тарғиб қилишдек эзгу мақсадлар йўлида чинакам тарихий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, "Мерос" давлат дастурининг қабул қилиниши, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги, Имом Абу Мансур Мотурудий таваллудининг 1130 йиллиги, Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги, Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейи, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга доир қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг тўла-тўкис адо этилиши миллатимизнинг ўзлигини англашида, ёшларимизнинг ўтмиши шарафли халқнинг, бекиёс улуғ зотларнинг фарзанди эканини идрок этишида ниҳоятда муҳим роль ўйнади.

Мамлакатимиздаги мавжуд маданият ёдгорликларини босқичма-босқич реставрация қилиш (қайта таъмирлаш) ва консервациялаш (асл ҳолатда сақлаш) юзасидан тасдиқланган дастурлар асосида бу саъй-ҳаракатлар мунтазам давом этмоқда.

Ушбу дастурлар ижроси натижасида мустабид тузум даврида ярим хароба аҳволга келиб қолган оламга машҳур Самарқанддаги XIV—XV аср ёдгорликлари — Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Бибихоним масжиди, Бухородаги X—XII аср ёдгорликлари — Сомонийлар мақбараси, Мир Араб мадрасаси, Арк девори, Шаҳрисабздаги XIV—XV аср ёдгорликлари — Оқсарой арки, Дорус-саодат мажмуаси, Хивадаги XIV—XVII аср ёдгорликлари — Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тош ҳовли, Қаршидаги Кўк гумбаз мажмуаси, Одина масжиди, Бекмир, Абдулазизхон, Қиличбой мадрасалари, ўрта аср кўприги ва бошқа обидалар таъмирланиб, келажак авлодлар учун сақлаб қолинди.

Айнан шу даврда тарихий ҳақиқат қайта тикланди, Ўзбекистон ўзининг бениҳоя бой маданий ва тарихий мероси билан дунёга танилди. 1991 йили Хивадаги Ичанқалъа, 1993 йили Бухоронинг тарихий марказидаги маданият ва тарих ёдгорликлари, 2000 йили Шаҳрисабзнинг тарихий марказларидаги ёдгорликлар, 2001 йили Самарқанднинг тарихий марказларидаги ёдгорликлар Бутунжаҳон маданий меросларига киритилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий қўмита билан ҳамкорликда ЮНЕСКОнинг марказий қўмиталари билан алоқа ўрнатди.

— Маълумки, 2007 йилнинг 13 декабрида «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун кучга кирди. Шу муносабат билан қандай қонунларимизга тегишли ўзгартиришлар киритилди ва айни кунда номоддий меросимизнинг қандай намуналари ЮНЕСКО рўйхатига киритилган?

Илҳом Насриев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлари доктори:

— Юқорида сиз тилга олган конвенцияга мувофиқ халқ оғзаки ижоди номоддий маданий мерос объекти саналади. Қолаверса, амалдаги қонун нормаларида асосан моддий-маданий мерос объектлари билан боғлиқ муносабатлар тартибга солиниши назарда тутилар эди. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунни мазкур конвенция талабларига мослаштириш мақсадида ўтган йиллар давомида тўпланган тажриба ҳамда соҳа олимлари, мутахассисларининг фикри инобатга олинган ҳолда тегишли қонунларга ўзгартириш киритилиши бир жиҳатдан миллий қонунчилигимизни халқаро ҳужжатларга уйғунлаштирди, иккинчидан, номоддий маданий мерос объектларини аниқлаштириш ва уларни муҳофаза этиш, фойдаланишнинг қонуний асослари яратилди.

Ҳозирги пайтда ЮНЕСКО томонидан оғзаки ва номоддий маданий мерос дурдоналарининг рўйхати тузилган бўлиб, унда ташкилотга аъзо давлатларнинг 90та асари, жумладан, Ўзбекистон номоддий мероси намуналаридан иккитаси: Бойсун тумани маданий мероси (2001 йил), «Шашмақом» мусиқа анъаналари (2003 йил) ўрин олган. Алоҳида эътироф этиб ўтиш жоизки, истиқлол йилларида «Авесто», «Алпомиш» сингари муқаддас китобларимизнинг сана тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Наврўз анъаналари тикланди ва халқимиз шоду хуррамлик билан бу айёмни нишонламоқда. «Шарқ тароналари» халқаро фестивали анъанавий тус олиб, жаҳон миқёсида эътирофга сазовор бўлди. Маданият фестивалларига ўтказилмоқда. Катта ашула, «Шашмақом», бахшичилик, лапарчилик, аския сингари мумтоз санъатимиз йўналишлари ривожланмоқда. Анъанавий ҳунармандчиликнинг тараққий этиши ва муҳофазасига доир Президентимизнинг фармонлари қабул қилинди.

(Давоми 11-бетда.)

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно, ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!

Ислом КАРИМОВ



2004 йилнинг одатий кунларидан бири.

Кунлик юмушларидан бироз тинган она бешикдаги боласини эркалаб алла айтганча ўзи ҳам ором оларди. Тўнғич ўғли еттига чиқди, қизи бешда. Ҳартугул ўзларини эплаб қолган. Энди кўпроқ эътибори шу кенжасига қаратилган. Шу пайт телевизорда яқиндагина жаҳон чемпиони бўлган Рустам Қосимжоновни аэропортда кутиб олишаётганини кўрсатиб қолишди. Она ич-ичидан Рустамга ҳаваси келиб, тўлиғиб кетди: "Менинг болам ҳам шундай чемпион бўлармикан...". Бешикдаги ўғилчаси юзига меҳр билан боқаркан, шу фикр хаёлидан кечди.

БУ ҲАЛИ БОШЛАНИШИ...

Чемпионлик йўли осонми? Айниқса, интеллектуал спорт тури — шахматда?

Чемпионлар қандай оилада улғаяр экан? Психологлар таъкидлаганидек, ҳар бир бола қандайдир даражада истеъдодли экан, нега спортчиларнинг ҳаммаси ҳам, дейлик, энг юқори чўққига чиқа олмайди?

Исталган спорт турида чемпионликка эришиш ҳеч бир спортчи учун равон кечган эмас. Чемпионлик ирода, сабот, эътибор, ғамхўрлик, оиладаги соғлом муҳит маҳсули эмасми? Ахир, бугун жаҳон ареналарида юксак натижаларни қўлга киритаётган фарзандларимизнинг ота-оналарида истеъдод йўқмиди? Нега мустақилликкача бўлган даврда бундай улкан ютуқларга гувоҳ бўлмаганмиз?

Бугун эса ҳар бир боланинг тақдири эътиборда. Бундай болалар камол топаётган оилалар ҳам эл-улус эҳтиромида. Қуйида юртимизнинг иқтидорли ёш шахматчиларидан бири, 8 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторовнинг чемпионлик йўлига назар ташлаймиз.

ЯНГИ ЎЗБЕК ОИЛАСИ

Фазлиддин ва Марзия уч фарзандни тарбиялаб вояга етказаяпти. Тўнғичлари Охунжон — коллеж ўқувчиси. Баҳора Ҳамза туманидаги 152-мактабнинг 8-синфида, Нодирбек эса 2-синфда ўқийди. Бир қарашда, оддий ўзбек оиласи. Бироқ бу оиладаги муҳит билан яқиндан танишсангиз, мамлакатимизда яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган илғор, таъбир жоиз бўлса, "янги ўзбек оила"ларидан бирини кашф этасиз.

Фазлиддин Очилов, отаси:

— Оиламиз катта эди: саккиз ўғил, икки қиз бирга улғайганмиз. Отам Абдусаттор Очилов 35 йил муаллимлик қилган. Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 41-, 38-мактабларда ишлаган, ҳозир нафақада. Болалигимизда отам ҳар кунлик ишимизни тақсимлаб берарди: ким молга қарайди, ким қўйларга, яна кимдир томорқада. Пахтани-ку қўяверинг, баҳорда яганадан бошлаб то кеч кузгача эгат оралаб катта бўлганмиз.

Дастлаб катта акам Муҳиддин Самарқанддаги ҳарбий билим юртига ўқишга кирган. Мен ва яна бир укам Насриддин акамнинг ҳарбий кийимда юришига, шаҳдам қадамлари, ўзини тутишига ҳавас қилиб, ҳарбийликни танлаганмиз. Ҳарбийликни танлаб, хато қилмаган эканман. Бугун фарзандларимнинг ҳам тартиб-интизоми, ўз мақсади йўлида қатъиятини кўриб, меҳнатсеварликка ўргатган ота-онамдан, интизомга ўргатган касбимдан хурсанд бўламан...

Марзия Очилова, онаси:

— Дадаси айтганидек, биз болалигимиздан ҳамма қатори меҳнат билан катта бўлганмиз. У пайтлардаги аҳвол билан ҳозирги шароитларни қиёслаб кўрсангиз, эҳ-ҳе, қанча фарқ бор. Мана, Баҳорани бўш вақти бекор ўтмасин деб Ҳамза туманидаги 24-болалар мусиқа ва санъат мактабига олиб борганман. Беш йил дутор синфида ўқиди. Мусиқани ўрганганининг шахматда ҳам фойдаси бўлса бўлдики, зарарини билмадик.

Оиланинг ҳар бир аъзоси учун кун тартиби қатъий белгилаб қўйилган. Болалар ўқишдан қайтгач, дарс тайёрлашади, кейин шахмат машғулотлари бошланади.

Фазлиддин ака, ўзи таъкидлаганидек, оиладаги "ҳарбийча" тартиб-интизом назоратини бироз бўлсин сусайтирган эмас. Ўзи ишда ё хизмат сафаридами, қаерда бўлмасин, албатта қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғидан суриштириб туради: "Охунжон коллеждан келдими, Баҳора нима қилаяпти, китоб ўқияптими, Нодирбек уйга берилган масалаларни ечдими?.. Ундай бўлса, стадионга чиқинглар. Тоза ҳавода югуриб, ўйнаб, машқ қилиб қонини юриштириб олсин".

Нима, бу хонадонда телевизор, компьютер, DVD каби кўнгилочар, замонавий ускуналар йўқми, дерсиз. Бор, албатта. Аммо улардан меъёрида, аниқ мақсадлар учун фойдаланилади. Мисол учун, компьютер интернетга уланган. Унинг воситасида болалар билимини бойитади, шахмат оламидаги энг сўнгги янгиликлар, халқаро тоифадаги гроссмейстерларнинг партияларини кузатиб боради.

Фазлиддин Очилов:

— Гарчи ҳамма қатори мен ҳам турли кўнгилочар телеканалларга, ҳар хил кинофильмларни кўришга қизиқсам-да, фарзандларимнинг тарбиясини ўйлаб, айрим қизиқишларимни чеклаганман. Шу сабабли турли кабелли телевидениеларга уланмаганмиз. Мен кўпроқ ишда, хизмат тақозосига кўра баъзан анча вақт сафарларда бўламан. Фарзандлар тарбиясида асосий юк онасининг зиммасида.

Албатта, болаларимнинг телевизор кўришларига рухсат бераман, фақат дунёқарашини бойитадиган маънавий-маърифий, илмий-тарихий кўрсатувларнигина.

«ФАРЗАНДЛАРИМ УЧУН ШАХМАТНИ ЎРГАНГАНМАН»

Марзия Очилова:

Акасига ҳам, опасига ҳам шахмат ўйнашни дадаси ўргатган. Нодирбек эса бирданига ўзи ўйнаб кетди. Ўшанда у 4 ёшда эди. Ҳеч ким унга "мана бу рух, у тўғрига ёки ёнбошга тўғри юради. Манави эса фарзин, буниси фил ёки от, улар мана бундай юради, бундай уриб олади", деб ўргатмаган. Катталар ўйнаётганида кузатиб, ўзи ўрганиб олган. Қишлоққа борганимизда ҳам амакиларини "келинг, ўйнаймиз" деб ҳоли-жонига қўймасди.

Ўзим аввалига шахматга унча қизиқмаганман. Фарзандларим шахмат тўгарагига қатнай бошлаганидан кейин мажбуран ўргандим. Чунки уйга берилган вазифаларни бажаришларини назорат қилишим керак эди-да!

Зўр шахматчи бўлиш учун оилада ҳам шунга мос шахмат муҳити бўлиши зарурлигини кўплаб мураббийлар таъкидлашади. Тўғрида, мураббий болага куйиб-пишиб тушунтирса, билганларини ўргатса, уйга вазифа берса-ю, бола уларни такрорлаб, бажаришини уйда ҳеч ким назорат қилмаса, ундай оиладан чемпион етишиб чиқиши қийин. "Мусобақалар пайти ҳар бир ўйинга 4-5 соатлаб тайёрланамиз" дейди ўн уч ёшли Баҳора.

Марзия Очилова:

— Нодирбек беш ёшга тўлганида опаси икковини малакали мураббий Равшан Шукуровнинг клубига олиб борганмиз. Машғулотлар тугагунча кутиб турардим. Кўпинча кечқурунлари қайтаётганимизда автобусда қўлимда ухлаб қоларди...

"Болажоним чарчабди-да, эй Худойим, ўзинг мадад бер, ўғилгинам орзуларимизни ушалтириб, юзи ёруғ бўлсин", деб дуо қилардим...

Уйда отаси билан ўйнаган партияларини ёзиб борар, мураббийи эса уни таҳлил қилиб, хатоларини кўрсатиб берарди. Нодирбекнинг бугунги даражага етишида устози Равшан аканинг хизматлари катта.

2012 йил январидан бошлаб Баҳора ва Нодирбекка халқаро гроссмейстер Дмитрий Қаюмов мураббийлик қилмоқда. Фарзандларимнинг жаҳон чемпионатида эришган ютуқлари Равшан Шукуровнинг ҳам, Дмитрий Қаюмовнинг ҳам ютуғидир. Уларнинг ҳар иккисидан ҳам миннатдормиз.

ОТА-ОНАЛАРНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРГАН КУЧ

"Болаларни 3—5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга. Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди", деган эди Президентимиз шу йилнинг 10 февраль куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида.

Нодирбек шахматчи бўлишни тўрт ярим, беш ёшларида олдига қатъий мақсад қилиб қўйди.

Яқинда бир ўқитувчининг айтганлари эсимга тушиб кетди. "Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан?" деган саволга 2-синфда ўқийдиган 34 бола 21 хил, 4-синфда ўқийдиган 29 бола 14 хил касбни айтиб жавоб беришган. Бундан 25-30 йиллар олдин уларнинг ёшида биз синфдош-

(Давоми 10-бетда.)

«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

Азиз Ватандошлар!
Барчангизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги билан самимий мубораквод этамиз!













«SHARQ» – ЎЗ АНЪАНАЛАРИГА СОДИҚЛИК, ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯ, ЗАМОНАВИЙ УСЛУБ!
Барча турдаги ноширлик маҳсулотлари ҳамда матбаа хизматларини таклиф этамиз.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 233-56-56; 233-47-97.
Факс: (+99871) 239-43-17 Web: www.sharq.uz E-mail: info@sharq.uz

Хизматлар кўрсатиш лицензияланган

Boshlang'ich ta'lim

Сўзда эмас, амалда кўмак!

Журналга обуна бўлсангиз:

— бошланғич таълим соҳасида Ўзбекистон ва жаҳондаги сўнгги янгиликлардан воқиф бўласиз;

— илғор таълим усулларини, замонавий техник воситаларни дарсларида қўллаётган бошланғич синф ўқитувчиларининг қизиқарли методик ва амалий тажрибалари билан танишасиз;

— мутахассислар тавсиялари ва бошқа қимматли маълумотлар орқали малакангизни оширасиз ҳамда педагогик хазинангизни бойитасиз;

— журнал саҳифаларида ўзингизнинг методик материалларингиз билан иштирок этиш, бошланғич таълим соҳасидаги компетентли шахсларнинг муносабатини билиш имкониятига эга бўласиз.

Шунингдек, қуйидаги номинациялар бўйича йилнинг ҳар чорагида бир марта ўтказиладиган танловда қатнашишингиз ва ғолиблик мукофотини олишингиз мумкин:

— «Энг яхши бир соатлик дарс ишланмаси учун» — энг кам иш ҳақининг 3 баробаригача;
— «Энг яхши мақола учун» — энг кам иш ҳақининг 3 баробаригача;
— «Энг яхши методик материал учун» — энг кам иш ҳақининг 2 баробаригача;
— «Энг яхши бадиий асар учун» — энг кам иш ҳақининг 2 баробаригача;
— «Энг яхши интервью (суҳбат) ёки янгилик учун» — энг кам иш ҳақининг 1 баробаригача;
— «Энг яхши сурат учун» — энг кам иш ҳақининг 1 баробаригача.



Янка тартибдаги обуначилар учун нашр индекси: 802
Кортона ва ташкилотлар учун нашр индекси: 803

«Бошланғич таълим» журнали – сизнинг кўмакчингиз, қадрли ҳамкасблар! Обуна бўлишга шошилинг!

«MATBUOT TARQATUVCHI» aksiyadorlik kompaniyasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



ЎЗБЕКИСТОН ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНГ!

(Давоми. Боши 7-бетда.)

лар 4 ёки 5 хил касбларнигина (ўқитувчи, милиционер, юрист, шофёр, врач...) билганимизни эсладим. Бугуннинг болалари эса, бири врач бўлганда ҳам "юракни даволайдиган хирург бўламан" деган бўлса, бошқалари "бошланғич синф муаллими бўламан", "логопед бўламан", "дизайнер бўламан", деб жавоб берган.

Болаларнинг бундай аниқ орзулари ота-оналарни ҳам ҳаракатга келтирди. Ишонмасангиз, юртимиздаги хоҳлаган болалар спорти иншоотига бориб кўринг. Фарзандини етаклаб келаётган ота ёки оналарни, неварасининг ғайратидан, дуркун қоматидан завқланаётган бобою бувиларни учратасиз. Президентимиз башорат қилган "портлаш эффекти"нинг бир кўриниши, фарзандларимизни бахтга элтадиган куч, билим ва доноликнинг уйғунлашуви эмасми бу!

ЎЗ ҒАЛАБАНГДАН ҲАМ ТОТЛИРОҚ...

Фазлиддин Очилов:

— Дмитрий Қаюмовга илк бор учрашганимизда, вақтим йўқ, деб унамади. "Бир синаб кўринг, агар қобилияти етарли эмас, десангиз, майли, биз розимиз", дея қайта-қайта илтимос қилганимиздан сўнг болалар билан шуғулланиша бошлади. Иккинчи машғулотдан кейиноқ мураббийлик қилишга рози бўлди.

Марзия Очилова:

— Словенияга фарзандларим билан бирга борганим яхши бўлган экан. Вақтида дам олиб, вақтида шуғулланишларини назорат қилиб турдим.

Болалар ичкарига ўйинга кириб кетишади. Биз ота-оналар ташқарида қолиб, уларнинг ҳар бир юришини мониторда кузатиб турамиз. Энди у пайтдаги кўнглимдан кечган ҳисларни, вужудимни чулғаб олган ҳаяжонни таърифлаб бера олмайман...

Мана, неча йилдирки, Баҳора билан Нодирбекни турли мусобақаларга олиб бориб, уларнинг ўйинларини кузатиб, шунга амин бўлдимки, ўз мағлубиятидан кўра, боласининг мағлубияти айниқса онага оғирроқ таъсир этаркан. Ўз ғалабангдан кўра, болангнинг муваффақиятлари тотлироқ туюларкан!

Спортчи қатъиятли, интизомли бўлмаса, зарур пайти бир-икки соат уйқудан воз кеча олмаса, бошқалар каби ўйнаб-кулишдан тийилмаса, яъни ўзини енга олмаса, муваффақиятга эриша олмаслиги кундек равшан. Ота-она буни яхши тушунишарди. Шунинг учун фарзандларини ҳам тартиблиликка қанча эрта одатлантиришса, шунча яхши бўлишини билишарди. Шундай бўлди ҳам.

6 ЁШИДА СПОРТ УСТАЛИГИГА НОМЗОД!

Равшан Шукуров: чемпионнинг устози

— Нодирбек тўгарагимиз машғулотларига қатнай бошлаганида ҳали 5 ёшга ҳам тўлиб улгурмаганди. "Бўладиган бола бошидан маълум", дейди халқимиз. Илк кунлардаёқ унинг шиддат билан ҳужум қилиб ўйнаш усули барчани бирдан ром этиб қўйди. Муҳими, унинг меҳнаткашлиги эди — берилган вазифаларни ортиғи билан бажариб келарди. Зеҳни ўткирлиги сабаб кўрсатиб берилган комбинацияни яхши эслаб қоларди, ғалабага бўлган иштиёқи қолган ҳамма нарсадан устун келарди. 6 ёшида спорт усталигига номзодлик талабларини бажарди. Ўзбекистон шахмати тарихида ҳали бунақаси бўлмаган эди!

Нодирбекнинг ютуқлари:

2009 йил — Тошкент шаҳар чемпиони (8 ёшгача);

2010 йил — Тошкент шаҳар чемпиони (8 ёшгача);

2011 йил — 8 ёшгача болалар ўртасида Республика чемпиони;

2011 йил — Филиппинда ўтказилган болалар ўртасидаги Осиё чемпионатида 3-ўрин, тезкор шахмат бўйича 2-ўрин;

2011 йил — Санкт-Петербургда бўлиб ўтган халқаро болалар шахмат фестивалида 1-ўрин;

2011 йил — Ҳиндистонда бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионатида 1-ўрин (7 ёшгача);

2012 йил — Республика чемпионатида 8 ҳамда 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида 1-ўрин;

2012 йил — Словенияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 1-ўрин (8 ёшгача).

Баҳоранинг ютуқлари:

2010 йил — Республика чемпионатида 2-ўрин (12 ёшгача);

2011 йил — Республика чемпионатида 1-ўрин (12 ёшгача);

2011 йил — Филиппинда ўтказилган Осиё чемпионатида 6-ўрин;

2012 йил — Республика чемпионатида 1-ўрин (14 ёшгача);

2012 йил — Катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати 1-лигасида 3-ўрин;

2012 йил — Катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати олий лигасида 7-8- ўрин;

2012 йил — Словенияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 9-ўрин (14 ёшгача).

БУ ҲАЛИ БОШЛАНИШИ...

Марзия Очилова:

— Охунжон ҳам шахматни яхши ўйнайди. Лекин мусобақаларга юбормай қўйганмиз. Чунки, у жуда таъсирчан. Ютқазиб қўйса, кун бўйи ўзига келолмай юради. Баҳора билан Нодирбек эса мағлубиятни тезда унутиб, ўзини кейинги баҳсларга чоғлай олади.

Охунжон ҳозир Тошкент авиасозлар касб-ҳунар коллежида ўқияпти. Баҳолари аъло, келажакда ўқишни олий ўқув юртида авиация йўналишида давом эттирмоқчи. Яхши мутахассис бўлишига ишонаман.

Жаҳон чемпионати ғолибларини тақдирлаш маросимида биринчи ўринни олганларга мукофотларни машҳур гроссмейстер, ўн учинчи жаҳон чемпиони Гарри Каспаров топширди. Бир неча йил олдин биз буни ҳатто хаёлга ҳам келтиролмасдик!

Шу куни Каспаров чемпион болаларнинг кейинги фаолиятига омад тилаб, уларга ўзининг шахсий совғаларини ҳам топширди.

Мени хурсанд қилган яна бир нарса: қўшни Қозоғистондан ҳам қирққа яқин ёш шахматчилар жаҳон чемпионатида иштирок этди. Улардан фақат бир нафари 2-ўринни олди. Нодирбек рақибларини кетма-кет мағлуб этиб 1-ўринда борар экан, қозоғистонлик баъзи ота-оналар ҳам ўғлимга мухлислик қила бошлашди. Чемпион бўлиши маълум бўлиб қолганда эса кўпчилиги олдимизга келиб қизғин табриклаб кетишди...

2012 йил ноябри. Тошкент халқаро аэропортида болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган юртимиз фарзандларини кутиб олиш маросими. Ана, юзларида алланечук қувонч балқиб турган болалар чиқиб келишаяпти. Улар орасида жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов, жаҳон чемпионатида 9-ўринни олган Ўзбекистон чемпиони Баҳора Абдусатторова ва уларнинг онаси Марзия Очилова ҳам бор ...

Кутиб олиш маросимига келган телемухбирлар энг аввало чемпионнинг онасини саволга тутди. Уларнинг саволларига жавоб берган Марзия кўнглида шукроналик ҳисси билан яқинлари томон юзланаркан, хаёлидан шу ўй кечди: "Худо хоҳласа, бу ҳали бошланиши!"...

Ҳусан КАРВОНЛИ
В.ГРАНКИН олган суратлар.





KONSTITUTSIYA MENING TAQDIRIMDA 20

Ришод СОБИРОВ,
Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони:

— Спортда саломатликка эътибор қаратиш ғолибликдан ҳам муҳимроқ, назаримда.

Аммо истаймизми-йўқми, жароҳат спортчини изма-из таъқиб этади гўё. Иложи бўлса, бутун спортчилик фаолиятингизни тиббий ёрдамга эҳтиёж сезмай ўтказсангиз. Бироқ доим ҳам унга чап бериш мушкул. Ана шундай вазиятларда замонавий андозаларда жиҳозланган, барча шарт-шароитларга эга шифохоналар малакали шифокорлар жонга ора киради.

Шукрки, мустақил юртимиз тиббий хизмат кўрсатиш, одамларнинг дардига дармон бўлиш, хусусан, ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш борасида дунё бўйича етакчи ўринларда туради. Нафақат спортчиларимиз, балки ҳар бир юртдошимизнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи Конституциямиздаёқ кафолатланган.

Шу ўринда яна бир карра таъкидламоқчиман, спорт ва саломатлик ўзаро уйғун тушунчалар. Спорт билан мунтазам шуғулланган, ҳаракатдаги одам касалликка чалинмайди. Аксинча, руҳи тетик, тани соғлом бўлади. Ниятим шуки, юртимиз фарзандларининг қўли доимо баланд келаверсин.

ВАТАН КАФТИДАГИ ЖАВОҲИР

(Давоми. Боши 6-бетда.)

— Албатта, ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда археологик ёдгорликларнинг аҳамияти катта. Ана шу борада амалга оширилган ишлар ва долзарб муаммолар хусусида тўхталсак.

Жуманазар Холмўминов, юридик фанлари доктори:

— Маълумки, собиқ шўролар тузуми даврида мамлакатимиз ҳудудидаги кўплаб маданий, археология мероси объектлари ҳамда тарихий ёдгорликлар бузилиб, йўқотилиб юборилди. Фақатгина мустақилликка эришганимиздан сўнггина уларни тиклаш, муҳофаза қилишга катта эътибор берилди. Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда Марғилон, Тошкент, Бухоро, Термиз, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларининг юбилей саналари аниқланиб нишонланиши, бу қадимий кентлар харобалари бўлган археологик ёдгорликларда олиб борилган узоқ йиллик мураккаб илмий археологик тадқиқотлар натижасида амалга оширилган.

Фахрли томони шундаки, Ўзбекистон археологик ёдгорликлари сони жиҳатидан дунёда олдинги ўринни эгаллайдиган 15 мамлакатдан биридир. Юртимизда тахминан 8,6 мингга яқин археологик ёдгорлик мавжуд. Бироқ Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, улардан 3945таси археология объекти сифатида рўйхатдан ўтган, 64 тасидагина кадастр ишлари амалга оширилган. Демак, археология объектларининг ҳисобини юритишга доир ягона ёндашув, тартибга соладиган умуммажбурий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлмаган. Шу маънода, Олий Мажлис Сенати томонидан 2009 йил 29 августда маъқуллаган "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур қонун 5 боб, 34 моддадан таркиб топган бўлиб, унинг мақсади археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат. Унда археология мероси объектлари моддий-маданий мерос объектлари сирасига кириши, давлатга тегишлилиги ва муҳофазасида экани алоҳида кўрсатиб ўтилган.

— Маданий мерос объектларидан фойдаланиш, муҳофаза қилиш қоидалари бузилганида қандай жазо турлари қўлланилади?

Садриддин Хидиров:


— Қонунчилигимизда тарихий ёдгорликларни ҳар тарафлама ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Олий Мажлиснинг 1996 йил 31 августдаги "Алоҳида корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида"ги қарори, 2001 йил 30 августдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун, 1998 йил 29 августдаги "Моддий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги қонун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 64-моддаси ва Жиноят кодексининг 132-моддалари шулар жумласидандир.

Олий Мажлиснинг 1995 йил 31 августдаги «Алоҳида корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарорига кўра, тарихий, маънавий ва маданий мерос объектлари давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулклар сирасига киради. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида 2001 йил 30 августдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур қонунга кўра, маданий мерос объектининг мулкдори ўзига қарашли бўлган маданий мерос объектининг тарихий, маданий ёки илмий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда сақлаб туриш вазифасини ўз зиммасига олади. Маданий мерос объекти ҳисобланган мол-мулкдан фойдаланишда чеклашларга, унинг сақланиши, асралиши, янада тарғиб қилиниши ва фойдаланилиши учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада йўл қўйилади. Маданий мерос объектининг мулкдори ўзига қарашли тарих ва маданият ёдгорлигига хўжасизларча муносабатда бўлса ва унинг яхши сақланишини таъминламаса, ёдгорликни сақлаш вазифаси бўлган давлат органи бу ҳақда огоҳлантириш ва суд орқали мазкур объектни ҳимоя қилишга ҳақлидир.

"Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги қонунга кўра, эллик йил муддатдан ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликлар, давлат ва жамоат музейларида, архивларда, кутубхоналарда ва бошқа жойларда доимий сақланаётган маданий бойликлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши мумкин эмас.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг "Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш" деб номланган 64-моддасига биноан, мазкур қоидаларни қасддан бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади ёки Жиноят кодексининг 32-моддасига кўра давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Архивлар тўғрисида"ги қонуни архив ҳужжатларини шакллантириш, сақлаш, архивлардан фойдаланиш ишларини ва архив муассасаларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Ушбу қонунга кўра, давлат қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилган маданий бойликларни талаб қилиб олиш чораларини кўради.



... Хорижий мамлакатларнинг биридаги муҳташам маданият саройи. Залда жам бўлганларнинг асосий қисми соҳа мутахассислари, таниқли санъаткорлар. Ҳамма бутун вужуди билан ўзбекона миллий либослари кўз-кўз қилса арзигулик, нигоҳларни қувнатаётган хонандамизнинг ашуласини мароқ билан тинглашмоқда. Бекасам тўну Чуст дўппилардаги созандаларнинг сехрли чолғуларидан тараланётган наволар қўшиққа янада хуш оҳанг улашади. Ашула ниҳоясига етиши билан чапаклар чапакларга уланиб кетди. Гарчанд тили, дини, дунёқараши турлича бўлиб, қўшиқ сўзларини тушунмаган бўлсалар-да, шинавандалар санъаткоримизни ўринларидан туриб олқишлай бошлашди. Кўнгиллар ғурурга тўлди. Бу асрлар оша бизгача етиб келган мумтоз таронамизга элу элатларнинг-да эҳтироми, эътирофи эди. Дунё аҳли ана шундай ҳурмат билан қадимий шаҳарларимиз, меъморий обидаларимиз, муборак қадамжолару осори атиқаларимизни қанчадан-қанча йўл босиб, заҳматлар чекиб кўриш учун келишади. Бир бора юртимизга оёғи етишини орзу қилганлар қанча! Хориж олимлари учун ҳам моддий ва номоддий мероспаримизни ўрганиш илмий изланишларига мавзу бўлаётир. Наврўзи оламдай йилни эзгуликларга чорлов ила бошлаб берувчи айём барча мамлакатларда ҳам мавжуд эмас!.. Буларнинг ҳаммаси жамланиб, насллардан-наслларга узатилиб тургувчи юрагимизнинг тафти, ҳароратига йўғрилган, гўёки Ватаннинг кафтида асралаётган маънавий жавоҳирларимизни ташкил этади. Булар ўзликнинг ҳеч қачон унутилишига изн бермас қўрғонлардир! Уларни асраб-авайлаш қалб амрига айлангани баробарида Бош Қомусимиз бандларига ҳам сингдирилган.

Ойбуви ОЧИЛОВА суҳбатлашди.

ФАОЛ ЁШЛАР БАЙРАМИ

Ўзбек миллий академик драма театрида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам 12 олий ўқув юртининг жамоатчи ёшлари ҳамда туман касаба уюшма фаолларини "Конституция — бахтимиз қомуси" шиори остида бирлаштирди.

Тадбирда 2012—2013 ўқув йилида ўқиш ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган, иқтидорли ва жамоатчи талабаларнинг 8 нафарига Марказий кенгашнинг устама стипендияси гувоҳномаси топширилди.

Бундан ташқари, кам таъминланган, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 70 нафар талабага Тошкент шаҳар кенгаши томонидан кийим-кечак тақдим этилди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Ma'rifat" мухбири



БОЛАЛАР ҚОМУСИМИЗНИ ЎРГАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги 588-МТМда «Қомусимиз — бахтимиз» байрам эрталиги ўтказилди. Унда ота-оналар, маҳалла фаоллари ва бошланғич синф ўқитувчилари қатнашди. Тарбияланувчилар конституцияга доир дастлабки ҳуқуқий тасаввур ва тушунчаларини жонли мисоллар, саҳна кўринишлари орқали намойиш этишди. Мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари Ватанни, она табиатни асраш, буюк сиймолар, юртимиз сарҳадлари ҳақида билганларини сўзлаб, турли дидактик ўйинлар воситасидаги очиқ машғулотда фаол иштирок этди.

Хурзода СОДИҚОВА

ТАДБИРЛАР САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

Миллий матбуот марказида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан Конституциямизнинг 20 йиллиги муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокидаги ушбу анжуманда Юртбошимизнинг 2012 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойишининг ижроси юзасидан университетда амалга оширилган ишлар борасида фикр алмашилди.

— Университет профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ноябрь ойида лицей-коллеж, олий ўқув юртлари ҳамда Олмазор ва Сергели туманларидаги маҳаллаларда Бош қомусимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни хусусида 197дан ортиқ тарғибот-ташвиқот ишлари уюштирилди, — дейди юридик фанлари номзоди Ақида Дадашева.

М.ЛАТИПОВА, "Ma'rifat" мухбири

Юртимиз эртаси — ёш авлод таълим-тарбиясида, ҳаётда ўз касби, ўз ўрнига эга етук инсон бўлиб вояга етишида оталарнинг ўрни катта. Ҳар бир ота фарзанди келажагига бефарқ бўлмаслиги ва шу орқали мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётганини тушуниб етмоғи лозим.

Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 4 декабрда қабул қилинган «Умумтаълим мактабларида «Оталар йиғилишлари»ни ўтказиш тўғрисида»ги 347-сонли буйруғига асосан, жорий йилнинг 15 декабрь ҳамда 2013 йилнинг 23 март кунлари «Оталар йиғилишлари» ўтказилиши режалаштирилган. Қуйида Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис марказининг мазкур тадбирларни самарали ўтказишга доир тавсияси билан танишасиз.

Умумий ўрта таълим мактабларида "Оталар йиғилиши"ни ўтказиш тартиби

I. Тадбирнинг мақсади:

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал тармоқларида талаб мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли кадрлар тайёрлаш даражаси ва сифатини оширишни таъминлаш мақсадида "Оталар йиғилиши" ўтказилади.

Умумтаълим мактабларида бошланғич синфданоқ узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш, болаларда касбий мотивациянинг шаклланиши, ижтимоий ҳаётдаги касбий оламга мослашуви, маънавий-руҳий, ақлий жиҳатдан таълим талабларига мос равишда ривожланиши ҳамда фарзандлари тарбияси ва касб танлашида таълим муассасалари билан оталар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсади кўзланган.

Тадбирни ташкил этишда ота-оналарга фарзандлари билан биргаликда касбий танлов масаласини ҳамкорликда ҳал қилишга кўмаклашиш, ўқувчиларга ўз қобилияти, қизиқиши, имкониятидан келиб чиққан ҳолда касб танлашга ёрдам бериш, ўсмир ёшларни муайян мақсад сари йўналтириш ва ҳаёт йўлини танлашига кўмаклашиш, қолаверса, ота-оналар давлатимиз олдидаги конституцион бурчларини бажаришлари лозимлигини тушунтириш ҳам назарда тутилади.

II. Тавсиялар:

Мактаб маъмурияти томонидан "Оталар йиғилиши" ўтказилишидан уч-тўрт кун олдин мажлис белгиланган сана, кун тартибида муҳокамага қўйиладиган масалалар ва таклиф этилган меҳмонлар рўйхати тузилади. Йиғилиш иштирокчиларига таклифнома юборилиб, огоҳлантирилиши ҳамда ўқувчи отасини хабардор қилганини тасдиқловчи имзо олиниши лозим.

Йиғилишга халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман(шаҳар) бўлими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳаллий ҳокимият органлари, хотин-қизлар қўмитаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳалла фаоллари, 9-синф битирувчилари, уларнинг оталари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг аълочи, фаол ўқувчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаб, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган битирувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, касб-ҳунари орқали халқ орасида ҳурмат-эътибор қозонган инсонлар таклиф этилади.

Мактабга яқин жойлашган касб-ҳунар коллежларининг кўргазмалари, мактаб ўқувчиларининг меҳнат дарси ва тўгаракларда тайёрлаган ишлари кўргазмаси ташкил этилади.

Йиғилиш доирасида битирувчиларнинг касбий қизиқишлари, қайси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқишни давом эттириши, шунингдек, уларнинг таълим-тарбиясига дахлдор масалалар муҳокама қилиниши, мактаб атрофида жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига саёҳатлар ташкил этилиши ёки "Фарзандингизнинг қайси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини танлаганидан хабардормисиз?", "Фарзандингиз қайси касбга қизиқади?" мавзуларида сўровномалар ўтказиш мумкин.

Вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг манзилли рўйхати тайёрланиб, барча оталарга тарқатилади.

Йиғилишни давра суҳбатлари, мунозара, семинар-тренинг каби таъсирли, ноанъанавий шакллардан фойдаланиб ўтказиш тавсия этилади.

Йиғилишнинг бориши:

Тадбир бошловчи томонидан мавзуга мос, йиғилганлар диққатини тортадиган сўзлар билан очиб берилади.

Сўз мактаб директорига берилади. Директор Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси(64-модда)га биноан, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар улғайтириб, тарбиялашга мажбурлигини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиқиб, юртимизда ташкил этилган ўн икки йиллик мажбурий, бепул таълим тизимининг мазмун-моҳияти, имкониятлари тўғрисида атрофлича маълумот беради. 9-синф битирувчилари томонидан академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи қизиқиш ва қобилиятларига кўра ихтиёрий танланишини тушунтиради.

Халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимидан иштирок этаётган вакил ёки мактаб директори битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига қабул қилишнинг тартиби билан таништиради.

Таклиф этилган тадбиркор, фермерлар ва ўз меҳнати, касби орқали обрў-эътиборга эга бўлган инсонлар ва ҳудуддаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорларига (ёки вакилларига) сўз берилади. Шундан сўнг мактабни тугатиб, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейларни ҳам тамомлаб, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёки ишлаётган собиқ ўқувчиларнинг оталарига сўз берилади.

III. Тақдирлаш

Мактаб ҳаётида фаол иштирок этган оталарни фарзандлар таълим-тарбиясига қўшаётган ҳиссасидан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишлар бўйича фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш тавсия этилади:

"Фарзандлар таълим-тарбиясида энг фаол ота";

"Энг ёш ибратли ота";

"Фарзандига энг яқин дўст бўлган ота" ва ҳоказо.

Таълим муассасаси педагогик жамоаси ташаббуси билан қўшимча номинациялар ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ҳурматли оталар!

Сизлардан фарзандларингиз келажагига бефарқ бўлмаслигингизни сўраймиз. Биз фарзандимизни тарбиялаб вояга етказиш билан мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётганимизни тушуниб етишимиз зарур. Бола тарбияси ҳамма замонларда ҳам долзарб масала бўлиб келган. Отанинг фарзандлар олдидаги муҳим вазифаларидан бири ҳаётга тайёрлаш ва касб-ҳунар танлашига кўмаклашишдир. Касбий танлов бўйича бирор муаммога дуч келсангиз, мактаб касб-ҳунарга йўналтирувчиси, амалиётчи психологи ва синф раҳбари билан маслаҳатлашинг. Қолаверса, туман (шаҳар) таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимидаги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик диагностикаси методик таъминлаш кичик гуруҳига мурожаат этишингиз ҳам мумкин.

Ҳар бир ўқувчи ўз хоҳиши, қобилиятига қараб касб танлаш, ўзи туғилиб ўсган ҳудудда ота-онаси бағрида бепул таълим олиш ҳуқуқига эга. Ҳозирги кунда 9-синф битирувчиларини барча шарт-шароитларга эга замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари кутмоқда. Коллежларда касб-ҳунар эгаллаш билан бирга, яна қўшимча равишда камида учтадан ихтисослик ҳам ўргатилади.

Ҳар бир ота фарзандига мактаб амалиётчи психологи томонидан берилган тавсиядан хабардор бўлиши, ўғил-қизининг қизиқиш ва лаёқатига мувофиқ танлаган қарорини қўллаб-қувватлаб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишига кўмаклашиши ва ёшларга ишонч билдириши керак. Агар фарзандимизнинг хоҳиш-иродасини инобатга олмай, ўзимиз истаган академик лицей ёки касб-ҳунар коллежига мажбуран йўналтирсак уни ҳаёт синовлари олдида ожиз қилиб қўйишимиз мумкин.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази

КОНСТИТУЦИЯ ВА МАЪНАВИЯТ



Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият саналган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий негизлари Конституциямизда ўз ифодасини топган.

«Маънавият» нашриётида чоп этилган Ғулом Мирзо муаллифлигида «Конституция ва маънавият» рисоласини мутолаа қилсангиз, буни теран англайсиз, юракдан ҳис қиласиз. Унда халқимизнинг маънавий-руҳий ҳаётидаги демократик ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг мутақиллик йилларида эришган бекиёс, том маънода залворли тарихий ютуқ ва марралари Конституциямизнинг бу борадаги аҳамияти билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этилган. Бош Қомусимизнинг инсон омили ва миллий маънавиятимиз билан боғлиқ қирралари ҳаётий кузатишлар, аниқ факт ва далиллар асосида таҳлил қилинган. Жумладан, муаллиф юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган маънавий тарғибот фаолияти ўзининг мазмун-моҳият ва аҳамияти жиҳатидан эски даврдаги «пропаганда-агитация ишлари»дан ер билан осмонча фарқ қилишини айтиб, бу «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деган Конституциямизнинг 12-моддасига монанд эканлигини таъкидлайди.

Рисолада берилган «Мустақил тараққиёт йўли ва маънавий ислоҳотлар», «Инсон омили: истиқлол, ҳуқуқ, маънавият», «Миллатлараро тотувлик – юксак қадрият», «Халқи соғлом, авлоди баркамол мамлакатнинг келажаги, албатта, буюк бўлади», «Маърифат ва интеллектуал салоҳият – тараққиёт мезони» ва бошқа мақолаларни ўқиган китобхон мустақил давлатимизнинг Асосий Қонунида дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр дадил илгари сурилиб, шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилганига яна бир бор амин бўлади.

Дилшод КАРИМОВ

ЁШ РАССОМЛАР ТАНЛОВИ

Республика Рассомлик коллежи ва «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамкорлигида «Конституциямиз — келажагимиз пойдевори» шиори остида кўрик-танлов ўтказилди. Унда иштирок этган беш юз нафарга яқин ёш рассомлар яратган ижод намуналарини Ўзбекистоннинг таниқли мўйқалам соҳиблари баҳолаб совринли ўринлар ва фаол иштирок этган ижодкорларни аниқладилар. Биринчи ўрин коллежнинг иккинчи босқич ўқувчиси Беҳзод Матмуродовга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга мукофот ва дипломларни Ўзбекистон Бадиий академияси раҳбари Акмал Нур, таниқли рассом Ортиқали Қозоқов топширди.

Сарвиноз ОМОНОВА, коллеж ўқувчиси

ҚИЗҒИН ДАВРА СУҲБАТИДА

Болалигимизда хотирамизга ўрнашган воқеаларни ҳалигача ҳаяжон билан эслаймиз. Шу боис болаларга боғча даврида Конституция сабоқларини ўргатишга эътибор қаратилади. Бош қомусимизга оид билимларни қандай усуллар билан ўргатиш зарурлиги бўйича, аввало, тарбиячилар муайян билим ва малакага эга бўлиши лозим. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Мактабгача таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика марказида илк ҳуқуқий билимларни сода ва осон тушунтириш йўллари бўйича давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Бош қомусимизни ўрганишнинг узлуксиз, изчил ва босқичма-босқич тизими яратилганлиги, таълимнинг барча турларида, жумладан, мактабгача таълим муассасаларида кўргазмали қуроллар воситасида болаларга маълумот бериш методи ўзини оқлаётгани айтиб ўтилди.

Гулбаҳор БОБОЁРОВА, Мактабгача таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази мураббийси

Mulohaza

«Табиатда мувозанат бор, ҳеч бир инсон иқтидорсиз дунёга келмаган», деган экан донишмандлардан бири. Бу ҳақиқатни, айниқса, биз ўқитувчилар чуқур англашимиз даркор. Ахир ҳаётда муаллимга ҳам, муҳандисга ҳам, деҳқону чорвадорга, учувчию ҳисобчига, олиму ҳунармандга, хуллас, ҳар бир касб эгасига эҳтиёж бор. Шу боисдир, ҳаммани иқтидори ҳар хил.

БЕШ ҚЎЛ БАРОБАР ЭМАС

Баъзан дарсда имкониятларини эътиборга олмасдан, барчага бир хил талаб қўямиз, бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларга танбеҳ бераверіб, мактабдан бездириб қўямиз. Фанимизни ўзлаштиролмаётган ўқувчини бу тарзда умидсизлантиришга асло ҳақимиз йўқ. Балки, айб ўзимиздадир, унинг имкониятини тўғри баҳолай олмаётгандирмиз?! Устоз ўқувчидаги истеъдодни пайқаб, уни ривожлантиришга кўмаклашиши, йўл кўрсатиши керак. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчини ўз ҳолига ташлаб қўймай, индивидуал шуғулланиш лозим. Билим савиясини кўтаришга ҳаракат қилиб, имкониятига яраша вазифалар юклаш керак. Баъзан дарсимизда фаол ўқувчига меҳримиз ийиб кетади ва синфда бошқа ўқувчиларни унутиб қўямиз. Бу эса ўзлаштиришда қийналаётган ўқувчига салбий таъсир этади. Унда ўзига нисбатан ишончсизликни туғдиради. Натижада у ўзини ёлғиз, ожиз сезади. Бола одамови бўлиб қолади ёки аксинча агрессивликка ўтиб ён-атрофдагиларга салбий таъсир кўрсата бошлайди. Мисол учун, дарсдан қочиш ва бунга бошқаларни ҳам тарғиб этиш, компьютерхоналарда турли ўйинлар билан вақтини зое қилиш, ҳатто чекиш, безориликка одатланади.

Айтмоқчиманки, фанимиздан суст бўлган ўқувчига фан сирларини чуқур ўргата олмасак-да, унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан ижобий томонга ўзгаришига эришишимиз керак. Дарсимизда 30 ўқувчи бўлса, 30 нафар математика ё физика ёки кимё билимдонини етиштира олмаймиз, аммо ўз олдига мақсад қўйган, ўзига ишонадиган, Ватанини, халқини севадиган, юксак маънавиятли ИНСОНни тарбиялаб, ҳаётга йўллай олишимиз мумкин ва бунга ҳар биримиз масъулмиз.

Рухсат ШАРИПОВА,
Самарқанд туманидаги
19-мактабнинг
бошланғич таълим
ўқитувчиси

Toshkent shahri Matbuotchilar ko'chasi 32-uy. «Ma'rifat» gazetasi tahririyatiga

«Ma'rifat»ga maktublar

E-mail: info@marifat.uz

ДАРС ЎТИШ УЧУН ХИВАГА ЙЎЛ ОЛДИК

Ахборот оқимлари ичра яшаяпмиз. Шундай шиддатли бир даврда ёшларимизни илм-маърифатга ошно этиш осон эмас. Уларни мактабга, дарсга жалб этиш, чуқур билим эгаси этиб тарбиялаш ўқитувчининг замон билан ҳамнафаслигига боғлиқ. Пухта билим бериш учун фарзандларимизга ўрганаётганларининг ҳаётий аҳамиятини кўрсатиб бориш зарурати туғилмоқда. Шу боис турли қизиқарли ғоялар асосида дарс ўтишга тиришаяпман. Шулардан бири — саёҳат дарсини 6—7-синф ўқувчилари билан Хива шаҳрида олиб боришни белгилаб олдик. 6-синф ўқувчилари «Тарих жонланганда» мавзусига тайёрланиб, тарихий ёдгорликлар ҳақида маълумотлар тўплашди. Саёҳат давомида фарзандларимизнинг ўз ўтмишини пухта билиши ва буни немис тилида бурро-бурро гапириб бериши олмон сайёҳларини ҳам лол қолдирди.

Саёҳат дарсларимиз бошқа фанлар билан ҳам боғланиб кетди. Масалан, 7-синф ўқувчилари «Табиат» музейида бўлишди. «Одамлар» бўлими билан танишган ўқувчилар соғлиғимизни асраш нақадар муҳимлигини англаб етишди. «Ҳайвонлар» ҳамда «Наботот» бўлимини айлангандан сўнг ўлкамизнинг ранг-баранг табиати, гўзаллигини ҳис қилиб, атроф-муҳит муҳофазасига жавобгар эканликларини чуқурроқ англадилар.

Роза СОБИРОВА,
Урганч шаҳридаги
19-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

ИККИ ТАЖРИБА

Aks sado

Фақат бир устоздан дарс олиб, унга ўрганиб қолган кичкинтойларга юқори синфда ҳар қайси фандан алоҳида мутахассис ўқитувчи сабоқ бера бошлайди. Айрим ўқувчилар янги муҳитга мослашишга қийналади, ҳатто яхши ўқиб юрган боланинг ҳам кўрсаткичлари пасайиб кетиши мумкин. Демак, ўқувчининг юқори синфга мослашуви ўта муҳим масала. «Ma'rifat» газетасининг 2012 йил 3 октябрь сонида эълон қилинган «Ўтиш даври — ўсиш даври» саралавҳали мақолани ўқиб, муассасамизнинг бу борадаги тажрибасини ўртоқлашиш фикри туғилди.

5-синфда янги ўқитувчилар болаларни ҳали деярли билишмайди. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида ўғил-қизларнинг оилавий шароити, индивидуал хусусиятлари билан танишиб, юқори синфга тайёрлаб бориш учун 5-синфда раҳбарлик қиладиган педагог бир йил олдин,яъни 4-синфданоқ белгиланиши йўлга қўйилган. У бу муддатда болажонлар билан танишиб, тил топишади ва уларнинг яқин кўмакчисига айланиб улгуради.

Яна бир тажриба, 4-синфга математика, она тили, тасвирий санъат каби айрим фанлардан юқори синфда дарс ўтадиган ўқитувчиларни ҳам жалб этганмиз. Улар махсус режа асосида ҳафтада бир соатдан дарс ўтиб беришмоқда. Бу тажриба ўқувчиларимизнинг юқори синфга осон мослашишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, уларнинг дарсларда ҳам фаоллашгани сезилмоқда.

Ориф ЖЎРАЕВ,
Гулистон шаҳридаги
6-мактаб
директорининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича
ўринбосари

БОЛАНИ ЁШЛИГИДАН КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ЛОЗИМ

Болаларда янгиликка қизиқиш кучли бўлади ва улардаги болаларча ҳавас кўнглида маълум бир соҳага меҳр уйғотади. Бу ҳавасининг оилада ота-она, мактабда бошланғич синф ўқитувчиси томонидан ўз вақтида англаниши ва тўғри йўналтирилиши унинг келажагига замин ҳозирлайди. Азал-азалдан халқимиз фарзанд тарбиясида ўзига хос йўл тутган, ҳунарли бўлишига алоҳида аҳамият қаратиб, беш-олти ёшидаёқ устозларга шогирдликка беришган. Шунинг баробарида, пухта билим олишларига жиддий эътибор қаратилган.

Ўзига хос бу анъана, мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги муҳим вазифалардан бири, ўқувчиларни кичик ёшидан, мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, касб-ҳунарга йўналтириб боришдир. Мактабда ўқиш давомида ҳар бир бола индивидуал хусусиятлари, қобилият ва интилишларига кўра касб ёки ҳунарга йўналтириб борилмоқда. Мазкур жараён мактаб, ота-она ва, албатта, ишлаб чиқариш ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилади.

Шу ўринда бир тадқиқот натижасини келтириш ўринли: юқори синф ўқувчилари "Келажакда ким бўлсам экан?" мавзусида иншо ёзганида, турли касблар ва ўзларининг келажаги ҳақида тўлқинланиб фикр юритишган. Бироқ иншолар таҳлил қилинганида, ҳали кўпгина ўқувчиларнинг муайян бир касб танлашда аниқ тўхтамга кела олмагани хулоса қилинган. Уларнинг касбга қизиқиши, мойиллиги ва лаёқати аниқланмаган, юзага чиқмаган.

Демак, болаларни қобилият ва қизиқишларига мос касблар билан имкон қадар вақтлироқ таништириб бориш мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар кўпинча ўзидаги лаёқатни пайқамай туриб, ўзлари яхши кўрган — ота-она, ака-опалари касбини танлашга ҳаракат қилиб хатога йўл қўядилар. Ёки кўркўрона истеъдодларини ҳисобга олмай, машҳур спортчи ва санъаткорлар йўлини танлашади.

Аслида ўқувчиларнинг касбга қизиқишини шакллантириш мураккаб психологик-педагогик жараён бўлиб, бу — ўқувчининг касб ва унинг хусусиятларини ўрганишга ёрдам берувчи мақсад, моҳият ва тамойиллар, услуб ва воситалар бирлигидир.

Кичик мактаб ёшидаги болаларни тарбиялашда эртакларнинг алоҳида ўрни бор. У эртак қаҳрамонларига ўзича баҳо беради: қаҳрамонларнинг яхшилигига таҳсин ўқиб, ёмонликларидан жаҳли чиқади. Мактабда, дарсдан сўнг уйда болаларга ўқиб берилган эртаклар уларнинг ҳаётга ибрат кўзи билан қарашга ўргатади, табиат билан инсонларнинг яшаш тарзи орасидаги уйғунлик ҳамда узилмас ришталар мавжудлигини тушунтиради, рамзий маъноларнинг ҳаётий талқинларини тимсоллар ёрдамида мушоҳада қилишга ўргатади ва касб-ҳунарлар тўғрисида муайян тушунчага эга бўлишига ёрдам беради.

Бошланғич синфларнинг ўқиш ва она тили дарсларида ҳам касб-ҳунар тўғрисидаги матн, шеър, мақол, топишмоқ ва тез айтишлар берилган бўлиб, уларнинг аксарияти болаларни касблар олами билан таништиради. Фақат ўқитувчи бундан ўз ўрнида ва самарали фойдалана олса бўлгани.

Нигора АҲМЕДОВА,
Жиззах шаҳридаги
21-мактаб ўқитувчиси

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ЎҚИТУВЧИНИ ЎЗ УСТИДА ИШЛАШГА УНДАЙДИ

Замонавий педагогик технологияларнинг кундан-кунга аҳамияти ортиб, дарсларимизга кенг татбиқ этилмоқда. Натижада ўқувчилар маълумотларни мустақил қидириб топиш, ўрганганларини таҳлил қилиб, хулосалар чиқаришга ўрганишаяпти. Педагог интерактив методлар воситасида ўқувчининг билим олиши билан бирга, бола шахсининг шаклланиши ва тарбияланишига шароит яратади.

Мисол учун, *"Блиц-ўйин"* усули орқали ўқувчи ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, тарқоқ ва хилма-хил маълумотлардан энг муҳимларини танлаб олишга ўрганади. *"Интервью"* усулида эса ўқувчилар савол бериш, эшитиш, жавоб қайтариш ҳамда саволни тўғри тузишга ўргатилади. Педагогик технологиялардан фойдаланиш нафақат ўқувчини дарсга жалб қилиш, мавзуни аниқроқ тушунтиришда қўл келади, балки ўқитувчини ҳам ўз устида ишлашга, касб маҳоратини оширишга ундайди. Муаллим ҳар бир дарсни яхлит ҳолда тасаввур этиш имконига эга бўлади.

Сумбулой САИДОВА,
Халқ таълими вазирлиги
тасарруфидаги
аниқ фанларга
ихтисослаштирилган
давлат умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

ХОНАДОНИМИЗ НУРУ ЗИЁСИ

Онанинг меҳр-муҳаббати чек-чегара билмайди. Ахир у туфайли одамзод насли бардавом. У фарзанди учун жонини фидо этишга ҳам тайёр.

Қуръони каримда оналарнинг мақоми юксак баҳоланади. Фарзандни дунёга келтириб, вояга етказиш мобайнидаги машаққатлар боис Ҳақ таоло оналар шаъни ва қадр-қимматини беҳад улуғлаган. Ҳадисларда она ҳақини адо этишга минг ҳаракат қилинмасин, буни уддалаб тугатиш мумкин эмаслиги таъкидланади.

Бир киши Пайғамбаримиз ҳузурларига келиб, яхши муомалага ким кўпроқ ҳақли, деган маънода савол берганида уч бор «онангга», кейин эса «отангга», дея жавоб берган эканлар. Расули Акрамнинг шу биргина каломларининг ўзи ҳам она зотига нақадар эҳтиром кўрсатганларидан дарақдир.

Афсуски, «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган айрим тушунча ва одатлар минг йиллик қадриятларимизга, хусусан, она ва бола муносабатларига ҳам ўз таъсирини ўтказаётир. Айрим ўсмир қизлар онасининг панд-насиҳатларига «Мен вояга етганман, хорижда 16 ёшдан ошганлар эркин бўлади», дея эътироз билдирганларига гувоҳ бўламиз. Она меҳри билан нафақат оиламиз, балки умр йўлларимиз ҳам мунаввар бўлишини бу каби қизлар кеч англаб етишади. Унутмаслик лозим, она доимо фарзанди учун куйинади, тўғри йўл-йўриқ кўрсатишга интилади. Шундай экан, онажонларимиз бошимиздаги тожимиз, суянган тоғимиз, энг катта давлатимиз эканини фарзандларимизга мактаблардаги тарбиявий соатларда, турли тадбирларда таъсирчан мисоллар орқали муттасил тушунтириб боришимиз керак. Зотан, оналар — хонадонимизнинг файзу баракаси, нуру зиёси. Уларнинг дуоси ижобат бўлгай.

Одилхон ЮНУСХОН
ўғли,
Шайхонтоҳур тумани
бош имом-хатиби

Саҳифани Ғолиб БАҲРОМОВ тайёрлади.

ИЛМУ МАЪРИФАТ МАНЗИЛИ

оилада илмий-маънавий муҳит яратиш борасида мулоҳазалар

Оила отлиғ маскан илму маърифат нурлари ила чароғон. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мустаҳкам оила, аввало, илм-маърифат, маънавият асосида бунёд этилади. Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан бағрида юксак маънавиятли авлодни камол топтирувчи оила институтига алоҳида эътибор қаратилаётир. Хўш, оилада илмий-маънавий муҳит яратиш ёш авлод келажаги учун нечоғлик муҳим? Бунда нималарга аҳамият бермоқ керак? Фарзанд тарбиясига ота-она “маълумотэ”нинг таъсири қай даражада?.. Илмий изланишлар олиб бораётган, ўз навбатида, оиласида илмий-маънавий муҳит яратишга ҳаракат қилаётган ёш тадқиқотчиларга юқоридаги саволлар билан мурожаат қилдик.

Ҳамма масъул

Жамиятнинг ривожида илмий-маънавий соҳага айрича эҳтиёж бўлгани каби жамият ичидаги жамият бўлмиш оила ҳам тўкис бўлиши учун бу жиҳатга муҳтож. Оила йигит ва қизнинг фақатгина биологик-физиологик эҳтиёжи учун яратилмайди.

2012-yil — Mustahkam oila yili

Илмий-маънавий муҳитни шакллантириш мактаб, маҳалла-кўйдан ташқари, оиланинг барча аъзолари — бобо ва буви, ота-она ва уларнинг ака-ука, опа-сингиллари билан амалга ошади. Барча нарсага қизиқувчан — “нимавой” бола, дунёқараши шаклланиб бораётган ўсмир, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит ва қиз тарбияси бобо ва бувининг ҳикматли насиҳатлари, ота-онанинг ўгит ва кўрсатмалари, амма ва амаки, тоға ва холаларнинг муносабатларисиз мукаммал бўла олмайди. Ижтимоий психологияга кўра, шахснинг шаклланиши, ирсиятдан ташқари, атрофдагилар билан муносабати, кўрган-кечирганлари билан ҳам мукаммаллашади. Оила даврасида бировнинг ғийбатию фисқ-фасод гаплардан кўра фан ва маданиятга доир бошқотирмалар, муаммолар ва қизиқарли маълумотлар билан боғлиқ суҳбатлар илмий-маънавий муҳитни шакллантирувчи омиллардандир. Бундан ташқари, бу суҳбатлар фарзанд ҳаётида асқотиши мумкин. Масалан, тиббиёт, соғлиқ ҳақидаги маълумотлар ҳар бир инсон учун фойдадан холи эмас. Мухтасар айтганда, оила аъзоларининг ҳар бир хатти-ҳаракати маънавият, илму маърифатга йўғрилган бўлиши лозим.

Мунисжон ҲАКИМОВ,
тадқиқотчи

Ёш авлодни ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган, ҳар томонлама билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш оила институтининг бурчи ҳисобланади. Бунда ҳар бир оила ўз стратегиясини ишлаб чиққан бўлиши керак, назаримда.

Оилада илмий-маънавий муҳитни яратиш борасида асосий масъулият ота-онанинг зиммасига тушади, албатта. Ҳар бир фарзандга ёшига мос равишда тарбия бериш ва маданиятни ўргатиш мақсадга мувофиқ. Оилада илмий муҳитни яратиш кўпроқ унинг устуни – эркак кишига боғлиқ бўлса керак, деб ўйлайман. Буни оддий ўқитувчи бўлган отамнинг тарбия борасидаги “стратегия”си мисолида айтсам. У доим “Фарзанд отасидан бир поғона бўлса-да ўтиши керак, шунда жамиятда ривожланиш бўлади”, деб таъкидларди. Бобом – отамнинг отаси оддий деҳқон бўлиб, олий маълумоти йўқ эди. Дадам олий ўқув юртини битириб, мактабда ва билим юртида тарих фанидан сабоқ берган. Мен эса отам наздида олим бўлиб етишишим керак эди...

Болалигимда отам ётоқхонам деворларига, айниқса, уйқудан уйғонган чоғим кўзим тушадиган рўпарадаги деворга “Дунё сиёсий харитаси” ҳамда “Ўзбекистон сиёсий харитаси”ни осиб қўярди. Уларда акс этган турли мамлакат, океан, шаҳар-қишлоқларни топиш мусобақаси уюштирарди. Энг қизиқарлиси, биз яшаб турган қишлоқни топиш бўлган. Кейинчалик харитадан шаҳар ёки қишлоқларни ким биринчи топиш мусобақаси маҳалладаги дўстларим билан ҳам уюштириладиган бўлди.



KONSTITUTSIYA MENING TAQDIRIMDA 20

Салоҳиддин ҚУРБОНОВ,
«Ўзавтойўл» ДАК етакчи мутахассиси:

— Йўллар мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Магистралларнинг маҳаллий об-ҳаво ва иқлим шароитига мослиги, чидамлилиги қуриш техникасига боғлиқ. Юртимизда йўл қурилиши соҳасини янада ривожлантириш биз ёшлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида илмий ва техникавий ижод эркинлиги кафолатлангани бу борадаги имкониятларимизни юзага чиқаришимизда қўл келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари тобора ривожланиб бораётир. Йўлларнинг равон ва халқаро талабларга мослиги ушбу муносабатларни янада яхшилаши табиий. Шуни инобатга олиб, йўлсозлик харажатларини камайтириш эвазига равон йўллар барпо этиш усуллари устида илмий изланишлар олиб бордим. Яроқсиз ҳолатга келиб қолган асфальт қолдиқларини қайта ишлашнинг янги усулини яратдим.

Мазкур ишланмам билан «Келажак овози» республика кўрик-танлови-да ғолибликни қўлга киритдим. Ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилган кўплаб ихтироларни кўриб, юртимизда том маънода илмий-техникавий ижод эркинлиги яратилганига, хайрли ташаббуслар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганига яна бир бор амин бўлдим.

Тарихчи отамнинг «тарбия стратегияси»

Эсимда, 5-синфда ўқиётганимда отам ўзи дарс берадиган билим юртига олиб борган, у ерда ўқиётган йигит-қизлар, табиийки, мендан анча катта ёшдагилар эди. Аммо “Харитадан шаҳар топиш” мусобақасида мен ғалаба қозонган эдим. Бу эса ўқишга иштиёқимни янада оширган. Отам кейинчалик янги китоб жавони сотиб олиб, уни ҳам ётоқхонамга жойлаштирди. Турли китоблар билан жавонни тўлдирди. Ушбу китоблар менинг хонамда тургач, албатта, бир кун уларни қўлимга олишим, қизиқиб ўқишим тайин эди.

Собиқ тузум даврида отам Ўзбекистон тарихини эски ўзбек ёзувидаги қўлёзма асарлардан ўрганишга интилиб келган. Аммо бу ўша давр учун мушкул иш ҳисобланар, собиқ тузум бунга йўл қўймас эди. Мустақиллигимиз арафасида, истиқлол шабадаси эсиши бошланган вақтлари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эски ўзбек ёзувини мустақил ўрганиш учун мўлжалланган “Алифбо сабоқлари” рукни берила бошлади. Отам газетанинг ҳар бир сонини олиб келарди. Ҳатто ёзги таътил пайти оромгоҳда дам олаётганимда ҳам шу одатини канда қилмаган. Кейинчалик қишлоғимиздаги зиёли бир кишидан менга эски қўлёзмаларни ўқиш, ўргатишни илтимос қилди. Бу эса кейинчалик бакалавриат, магистратура, аспирантура даврларида Ўзбекистоннинг ўрта асрлар даври тарихини ўрганиш ва илмий тадқиқот олиб боришимда жуда қўл келди.

Отам билан илмий тадқиқот ишлари борасида кўп баҳс-мунозаралар олиб борардик. Илмий мақолаларим чиққанда жуда хурсанд бўларди. Айниқса, номзодлик диссертациясини ёқлаган куним отамнинг қувончи чексиз эди. Буни юз-кўзларидан “ўқиб” олиш қийин эмасди...

Гарчи отам ҳозир ҳаёт бўлмаса-да, унинг тарбия стратегиясини ўз оиламда ҳам қўлламоқдаман. Аслида, отам мен учун оғир ва масъулиятли, аммо шарафли вазифа юклаб кетди. Энди фарзандим мендан бир поғона “ошиш”и керак...

Шерали ҚЎЛДОШЕВ,
тарих фанлари номзоди

Илм — йўлчи юлдуз

Катта ўғлим Ҳумоюн санъаткор қўшнимизнинг уйига чиққанди, қайтиб келгач, “Ойижон, Музаффарларнинг уйида ойиси, опаси, акаси, дадаси — ҳаммаси бир бўлиб қўшиқ айтишар экан”, деди. Мен кулиб: “Дадаси қўшиқчи бўлгандан кейин, албатта, қўшиқ айтишади-да”, деб қўйдим. Шу кичик ҳаётий мисолдан хулоса чиқаришимиз мумкинки, ота-она оилада мисоли барометр саналади. Уларнинг қизиқишлари, интилишлари, фикр-қараши ўз-ўзидан фарзандларига ирсий мерос бўлиб ўтади ёки шакллантирилади. Қўшнимизнинг оиласида санъат муҳити яратилганига шубҳам йўқ. Энди Бизнинг оиламизга келсак, мен — филолог, турмуш ўртоғим — физик, ўн йилдан ортиқ вақт давомида докторлик иши устида изланиш олиб бормоқда. Уйимизда асосан мутолаа, ёзиш, компьютерга “қадалиб” ишлаш, интернет орқали хорижлик олимлар билан боғланиш каби юмушлар бажарилади. Кимгадир бундай ҳаёт жуда зерикарли туюлиши мумкин. Лекин биз учун — мароқли машғулот.

Ота-она оилада қандай муҳитни яратиши келажакда боланинг ким бўлиб етишишига жиддий таъсир этувчи омиллардан. Икки ўғлим ҳам илмий-маърифий кўрсатувларни томоша қилишни ёқтиради. Бир куни телевизорда Қуёш ва ундаги ўзгаришлар, тўхтовсиз жараёнлар ҳақида илмий кўрсатув берилди. Иккаласи ҳам диққат билан томоша қилишди. Кўрсатув тугагач, саккиз яшар Ҳумоюн: “Ойижон, қуёш одамларга жудаям керак, гулларга, ҳамма-ҳамма нарсага, ҳаётга керак», деди. Тушунганларини ўзининг содда, болаларча мулоҳазаси билан ифодалашга уринаётган боламнинг сўзларидан хурсанд бўлдим...

Болаларимга ухлаш олдидан бирор халқ эртагини ўқиб бераман. Яқинда Шукур Холмирзаевнинг “Омон овчининг ўлими”, “Қария”, “Қумрилар” ҳикояларини гапириб бердим. Учаласи ҳам уларга маъқул бўлди. Ҳатто бир куни Хуршид Дўстмуҳаммаднинг модернистик “Меҳмон” ҳикоясининг болаларга таъсирини аниқламоқчи бўлдим. Албатта, ҳикояни соддалаштириб айтдим. “Дилмурод (кичик ўғлим), сенга ҳикоя ёқдими? Нимани тушундинг?” деб сўрадим. “Ёзувчи яхши одам экан, ўргимчак ёмон экан”. Хурсанд бўлиб кетдим. Олти яшар бола, яхши-ёмон сифатлари билан ҳикоя қаҳрамонларига одилона баҳо бера олди.

Турмуш ўртоғим билан фарзандларимизда китобга меҳр уйғота олдик. Мақсадимиз — улар юксак маънавиятли, эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Яна бир қизиқ ҳолат: болаларимиз ҳали анча ёш бўлишига қарамай, улар нутқида “диссертация”, “ҳикоя”, “астрономия”, “физика”, “формула”, “мақола” деганга ўхшаш илмий истеъмолдаги сўзлар тез-тез ишлатилади.

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
филология фанлари номзоди

Сахифани Бехзод ФАЗЛИДДИНОВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ – ГРОССМЕЙСТЕРЛАР ЭЪТИРОФИДА

Shaxmat

Газетамизнинг ўтган сонларида хабар берганимиздек, Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Халқаро шахмат федерацияси, мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқичи ниҳоясига етди.

Қарийб икки ҳафта давом этган нуфузли мусобақада муросасизлик руҳи то сўнгги юришларга қадар сақланиб турди. Буни Гран-при босқичи ғолиб ва совриндорларининг номи энг охирги турнинг энг сўнгги учрашуви натижасига кўра маълум бўлгани ҳам тасдиқлайди.

Шундай қилиб, қизғин баҳсларда 11 имкониятдан 6,5 очко жамғарган россиялик гроссмейстер Сергей Карякин 1-ўринни эгаллаб, олтин медаль ҳамда мусобақанинг рамзий соврини билан тақдирланди. Худди шунча очко жамғарган хитойлик Ванг Хао 2-ўрин ва кумуш медалга, шунингдек, 6,5 очко йиққан яна бир шахматчи россиялик Александр Морозевич эса 3-ўрин ва бронза медалга лойиқ кўрилди. Энг муҳими, кучли учликка кирган шахматчилар 140 рейтинг очкосини қўлга киритишди.

Шуни айтиш лозимки, ақл кенгликларида кечган қақшатқич мусобақаларда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган ягона иштирокчи бўлди. Аммо совриндорлар қаторига кириш учун вакилимизга атиги ярим очко етмади. Чунки охирги турда Қосимжонов исроиллик Борис Гельфандга қарши дона суриб, дуранг қайд этди.

Эслатиб ўтамиз, шахматчимиз ўз ихтиёридаги икки мусобақада, яъни Лондон ҳамда Тошкент шаҳарларида кечган босқичда қатнашиб бўлди. Энди у 2013 йили Берлин (Германия) ва Мадрид (Испания) шаҳарларида ўтказилувчи мусобақаларда иштирок этади.

Пойтахтимиз мезбонлик қилган ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқичи маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилди. Хусусан, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги репортажлар он-лайн орқали тўғридан-тўғри 177 мамлакатга узатилди.

Тақдирлаш маросимида совриндорлар ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:



— Биласизми, шахматчиларнинг руҳияти жуда нозик бўлади, ўйинимиз даражаси ҳам кўп жиҳатдан кайфиятга боғлиқ. Тошкентда барча шароитлар яратилгани ва мусобақа аъло даражада ташкил этилгани туфайли ўз салоҳиятимни тўлиқ кўрсатишга имкон туғилди. Тошкентга илк бор келган бўлсам-да, ўтган қисқа кунлар ичида мен учун қадрли шаҳарлардан бирига айланди. Очиғи, тасаввуримдан ҳам ортиқ чиройга эга экан. Келажакда оила аъзоларим билан келмоқчиман. Албатта, қўлга киритган натижамдан кўнглим тўқ. Бу менга навбатдаги босқичларда ҳам кўтаринкилик улашади. Барчаси учун ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимни билдираман, — деди турнир ғолиби **Сергей Карякин.**

— Халқингизнинг меҳмоннавозлиги ҳақида эшитгандим. Бунга илк марта Тошкент шаҳрида куни кеча якунланган турнир мобайнида бевосита икрор бўлдим. Тошкентнинг тоза ва ораста шаҳар экани ҳавасимни келтирди. Шунга аминманки, турнир иштирокчилари Тошкентдан бир олам таассурот билан қайтаяпти. Ҳатто мағлубиятга учраган шахматчилар ҳам буни эътироф этишганига гувоҳман. Боиси, мусобақа юксак савияда ўтказилди. Биздан эса фақат фикримизни жамлаб, ўйинни ўз фойдамизга ҳал қилиш талаб этилди, холос. Тугал шароит шахматчини илҳомлантиради, чиройли комбинациялар кашф этилади, — деди **Ванг Хао.**

Хулоса қилиб айтганда, мазкур йирик турнирнинг пойтахтимизда ўтказилиши халқимиз орасида шахматнинг янада кенг оммалашиши ва яқин келажакда юртимиздан Рустам Қосимжонов, Нафиса Мўминова, Сарвиноз Қурбонбоева ва Нодирбек Абдусатторов каби кўплаб чемпионлар етишиб чиқишига туртки беради.

* * *

Мусобақа якунлангач, эртаси куни Ўзбекистон шахмат федерациясида ташкил этилган маҳорат сабоғида 22 нафар ҳаваскор ўғил-қиз турнир ғолиби Сергей Карякин билан учрашди. Ўртоқлик баҳсларида халқаро гроссмейстерга қарши юртимизда яратилган замонавий шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб улғаяётган ёш иқтидор эгалари муносиб дона суришга интилишди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

KONSTITUTSIYA MENING TAQDIRIMDA 20

Сарвар КАРИМОВ,
Ўзбекистон ўсмирлар футбол терма жамоаси аъзоси, дарвозабон:

— Эронга боргач, кўп ўтмай, негадир уйимизни, ота-онамни соғина бошладим. Тошкентда ҳафталаб кўрмай юраман, ажабланарли томони шундаки, у пайтлари бу қадар қаттиқ соғинганимни эслолмайман.

Мусобақалар бошланди. Ўзбекистон мадҳияси янгради. Ишонасизми, миллат қўшиғига айланган жонажон садони тинглаб, ёт юртда, бегона одамлар орасида улкан хазина топиб олгандек қувониб кетдим. Энг муҳими, кийиниш хонасида кўнглимни ғаш қилган ҳаяжон, хавотир ўз-ўзидан йўқолди. Аксинча, унинг ўрнини ўзимга бўлган ишонч, қатъият, ғайрат эгаллади. Юртбошимизнинг «Ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайди ҳам!» деган хитоби ёдимга тушиб янада ҳушёр тортдим. Она-ватан мадҳиясида, чиндан ҳам, бемисл қудрат бор экан. Айнан мана шу куч бизнинг руҳимизни кўтарган, мураккаб вазиятларда асраган, муҳим паллада эса чемпионга айлантирган бўлса, ажаб эмас.

Юракка яқин ранглардаги байроғимизни тутиб турган ўзбекистонлик футбол ишқибозлари ҳам бизга катта куч бағишлади. Осиё чемпионати якунида ғолибликни қўлга киритиб, шоҳсупага кўтарилганимиз, бош совриндан кўра байроғимизни баланд кўтарганча, стадион бўйлаб югурганимизни кўпчилик яхши эсласа керак. Шундай сурурли дамда келаси йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ҳам мадҳиямиз янграшига, байроғимиз мағрур ҳилпирашига эришишни орзу қилдим.

JUMLADA JAHON
yangiliklari ✪ xabarlari

Хитой жанубидаги Гуандун провинциясида жойлашган тикув фабрикаларидан бирида тахминларга кўра, қасддан ўт қўйиш сабабли ёнғин чиқиб, оқибатда камида 14 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган, бир нечта ишчилар эса шошилинч равишда шифохонага келтирилган.

Япониянинг Хонсю ороли соҳилида магнитудаси 7,3 баллга тенг кучли зилзила содир бўлганидан сўнг Мияги префектураси соҳилларида максимал баландлиги 1 метрга етадиган цунами юзага келди, бироз муддатдан сўнг тўлқинлар Фукусима, Аомори, Иватэ ва Ибараки префектураларигача етиб бориш хавфи бор, дея хабар беришмоқда мамлакат сейсмологлари.

Аргентина пойтахти Буэнос-Айросда кимёвий моддалар бўлган контейнерда ёнғин чиқиши оқибатида заҳарли тутун ҳосил бўлиб, у шаҳар одамларида кўз ёшлари билан биргаликда ошқозон оғриғини пайдо қилаётгани боис аҳоли хавфли ҳудудни тарк этиши сўралмоқда, хавфсизлик нуқтаи назаридан эса аэропорт ёпилган, поезд ва метро ҳаракати тўхатилган.

Германиянинг йирик «BMW» автоконцерни 2008 йилнинг 1 сентябридан 2012 йилнинг 15 ноябри оралиғида ишлаб чиқарилган, дизелда ҳаракатланадиган X5 моделидаги 250 мингта автоуловни бошқарув рулидаги камчилик туфайли қайтариб олиб, сўнгра уларни бепул созлаб беришини маълум қилди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда бир қатор спорт федерациялари ҳамкорлигида VIII шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Хусусан, «Йилнинг энг яхши спортчиси» номига муайтай бўйича жаҳон чемпиони Юсуф Иброҳимов ва «Йилнинг энг яхши аёл спортчиси» номига каратэ бўйича Осиё чемпиони Шаҳзода Ортиқова лойиқ топилди. XIV Паралимпия ўйинлари кумуш медаль совриндори Шариф Халилов «Энг матонатли спортчи» номинациясида ғолиб бўлди. «Йилнинг энг яхши мураббийи» сифатида қўл жанги бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Асад Ўринов эътироф этилди.

Шунингдек, Тошкентда ўтказилган каратэ бўйича Осиё чемпионати «Йилнинг энг ёркин воқеаси», Ўзбекистон дзюдо федерацияси «Йилнинг энг яхши федерацияси», Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси «Энг яхши спорт тадбирлари ташкилотчиси» деб топилди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг спортчилар томонидан яккакураш турлари бўйича кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

ЁНҒИН ХАБАРЛАШ ВОСИТАЛАРИ

Ҳозирги даврда ёнғинга қарши кураш, унинг олдини олишда замонавий техника воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Ана шу воситалар орасида ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан маълум қилувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига бўлган талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнғин туфайли келадиган моддий талафотнинг, одамларнинг ҳаётига, соғлигига етказиладиган зарарнинг олди олинади. Шу туфайли ҳам бугунги кунда хавфсизликни таъминлашнинг самарадорлигини юқори даражага етказиш ҳисобидан одамларнинг ҳаётини ва кундалик эҳтиёжи учун талаб қилинадиган жиҳозларни муҳофаза қилмоқ зарур.

А.ҚАМБАРОВ,
Тошкент шаҳар 28-ҲЁХК инспектори

МУҲИМИ–ОЛДИНИ ОЛИШ

Албатта, корхона-ташкилотларда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари бор. Улар кутилмаганда нохуш ҳодиса рўй берса жонга ора киришга тайёр турган гап. Шундай экан, ёнғин ўчириш воситаларини тўғри қўллашни билиш керак. Фойдаланиш талабларига тўлиқ риоя этиш зарур. Бунинг учун саноат корхоналарида ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида иш олиб борилса, бас.

Корхона ва ташкилотларда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш, ўт ўчириш техникаси қурилмаларини шай ҳолатда сақлаш, халқ мулкини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини унутмайлик.

Шерзод ҚОДИРОВ,
12-ҲЁХ а/п бошлиғи, капитан



Хурматли
Зайниддин ака АТАБУЛЛАЕВ!

Сизни таваллуд айёмингиз ва қутлуғ 50 ёшингиз билан самимий қутлаймиз. Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида олиб бораётган меҳнатингиз ёш педагоглар учун ибрат.

Сизга бахт-саодат, келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Хурмат билан, Фориш туманидаги 2-ўрта мактабни 1989 йилда битирган ўқувчиларингиз.



Олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, барча ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

Сиз раҳбарлик қилаётган ўқув юрти, ташкилот ва муассасаларда маънавий-маърифий машғулотлар ва тарғибот ишларини замон талаблари даражасида олиб бориш учун асқотадиган, дид билан ишланган ранг-баранг плакатларга эҳтиёж сезилиши табиий. «МАЪНАВИЯТ» нашриёти ана шу зарур эҳтиёжни ҳисобга олиб қуйидаги мавзуларда плакатлар мажмуаларини сотувга чиқарди:

1. "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!"(14 қисм)
2. "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндалари"(12 қисм)
3. "Инсон манфаатлари – энг олий ва устувор қадрият" (6 қисм)
4. "Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир"(10 қисм)
5. "Қишлоқ тараққиёти – ободонлик ва фаровонлик пойдевори"(10 қисм)
6. "Баркамол авлод – энг буюк, энг муқаддас мақсадимиз"(10 қисм)
7. "Кичик бизнес ва тадбиркорлик – жамият таянчи"(10 қисм)
8. "Мустаҳкам оила – мустаҳкам жамият пойдевори" (10 қисм)
9. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – бахтимиз қомуси" (20 қисм)

Нашриёт, шунингдек, бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, альбом-китоблар, плакатлар, буклетлар, идора бланкаларини чекланмаган миқдорда тез ва соз тайёрлаб бера олади.

Мурожаат учун манзил:
100047. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй.

Телефонлар: 289-65-66
289-69-10
289-51-15
289-49-94
Факс: (8371) 289-46-64

«O'ZBEKISTON»
nashriyot-matbaa ijodiy uyi

Азиз юртдошлар!
Барчангизни
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 20 йиллиги билан
самимий муборакбод этамиз!



«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этиб, ноширлик ва матбаа маҳсулотларининг барча турларини, жумладан:

- бадиий ва болалар адабиёти;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар;
- энциклопедиялар;
- рангли ва безакли маҳсулотлар (альбомлар, плакатлар, буклетлар, адрес папкалари ва бошқалар);
- қатъий ҳисобда турувчи рақамли бланкалар, чек ва рўйхатга олувчи китоблар;
- ўқув анжомлари (умумий дафтарлар, кундаликлар, расм дафтарлари ва бошқалар);
- импорт ўрнини босадиган халқ истеъмоли моллари;
- А4 ва бошқа форматлардаги офис-хўжалик қоғозларини, канцелария китоблари ва бошқаларни шартнома асосида, қисқа муддатларда, юқори сифат даражасида, келишилган нархларда тайёрлаб беришини маълум қилади.



Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100129,
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-37-81
Факс: (8371) 244-38-10, 244-87-55.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Замонавий дунёда ҳар куни инсон мияси улкан ҳажмдаги ахборотни қабул қилади ва қайта ишлайди. Бундан илгари ҳеч бир даврда инсоният бугунгидек миллионлаб террабайт билимлар захирасидан шунчалик даражада осонлик билан фойдаланиш имконига эга бўлмаган.

Ким кўп ахборотга эга бўлса, дунёга эгалик қилади, деган гап бежиз бугунги куннинг фаол иборасига айланмаган. Чиндан ҳам, ахборот ҳар доим инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Боиси атроф-оламни англаётганда у мунтазам турли хил ахборот билан тўқнаш келади. Бу эса ўз навбатида, инсонга содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри баҳолаш, пухта ўйланган қарор қабул қилиш, ўз хатти-ҳаракатларига энг мақбул йўлни танлашга кўмак беради ёки аксинча. Тўғри ва холис ахборотга эга бўлиш, у асосида хатти-ҳаракатлар стратегиясини белгилаш ҳамда ахборий жамиятни қуришга интилиш бугунги куннинг долзарб масалаларига айланиши сабаби ҳам шундадир. Бу эса ўз навбатида, дунё миқёсида ахборот, унинг муҳофазаси билан боғлиқ саналарнинг юзага келишига туртки бўлди.

тувлар узатиш жараёнини рақамли технологиялар асосида модернизациялаш, юқори тезликдаги интернет ва мобил алоқа тизимини яратиш глобал тенденцияга айланди. Эътиборлиси, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар мазкур тенденцияга амал қилишни афзал билади. Шу маънода, мамлакатларда информацион жамиятни ривожлантириш соҳасида давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг стратегик мақсад ҳамда йўналишлари белгиланган дастурлар қабул қилинган. Шунингдек, 2006 йил 27 мартда БМТ Бош Ассамблеяси A/RES/60/252 сонли резолюцияни қабул қилиб, унда 17 майнинг Халқаро ахборий жамият куни сифатида нишонланиши белгиланган.

KONSTITUTSIYA MENING TAQDIRIMDA 20

Шарофат ҚУРБОНСАИДОВА,
Урганч туманидаги 29-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— Баъзида ўзимга савол бераман: дунёда инсон учун энг муҳими нима? Албатта, тинчлик, эркинлик, ўз оиласи бағрида осуда ҳаёт кечириш. Мен буларнинг барчасига эга бахтиёр инсонман. Миллатим — туркман. Ҳудудимиздаги таълим туркман тилида олиб бориладиган мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бераман. Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқлардан шу муқаддас заминдаги барча фуқаролар қатори тенг фойдаланаман. Мактабимизда ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Ўқувчилар туркман тилидаги дарсликлар билан тўлиқ таъминланган.

Туркман миллий маданият марказларида ўтказиладиган тадбирларда ўқувчиларим билан миллий рақс ва қўшиқларимиздан ижро этамиз. Бу ўз тилимиз, миллий қадрият ва анъаналаримизни сақлаб қолиш, янада ривожлантиришга хизмат қилаяпти.

Дарвоқе, ўғлим Асадбек шу мактабнинг 5-синфида ўқийди. У ҳам кўплаб тенгдошлари каби ўз она тилида таълим-тарбия олмоқда.

АХБОРОТ — МАНБА, АХБОРОТ — ҲУҚУҚ

унинг муҳофазаси эса глобал аҳамиятга эга

XX аср охирида «ахборий жамият» ва «ахборотлашув» атамалари нафақат мазкур соҳа вакиллари, балки сиёсатчилар, иқтисодчилар, олимлар ва педагоглар луғат бойлигидан ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади. Кўп ҳолларда бу тушунча фуқаролик жамияти платформасида янги эволюцион одимни амалга ошириб, XXI асрга информацион жамият сифатида муносиб кириб бориш имконини берадиган информацион технологиялар, телекоммуникация воситаларининг ривожланиши билан уйғун ҳолда таърифланарди.


Охирги ўнйилликларда индустриал жамиятдан ахборий жамиятга ўтиш тўғрисидаги фикр-қарашлар ўртага ташланди. Натижада ишлаб чиқариш тизими, одамлар дунёқараши, уларнинг ҳаёт тарзида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Информацион технологияларнинг тубдан ўзгариши миллионлаб одамларнинг кундалик ҳаётини ўзгартирмоқда. Ахборот энг муҳим стратегик, бошқарув ресурсларидан бирига айланди. Уни «ишлаб чиқариш» ва қабул қилиш ижтимоий ҳаёт ривожида муҳим асосни ташкил этадиган бўлди. Бу эса сайёрамизнинг ҳар қандай нуқтасидаги ахборот манбалари исталган одам учун очиқ бўлиши билан бирга улар томонидан яратилажак ахборот ҳам бутун инсоният мулкига айланиши мумкинлигидан далолат беради. Бугунги кун шароитида ахборот олиш ҳуқуқи ва унинг ошкоралиги жамиятнинг барча аъзолари учун ҳаётий муҳим аҳамият касб этиши бор ҳақиқат.

Дунё янги давр — ахборот асрига, электрон иқтисодий фаолият, тармоқ жамоатлари ва чегарасиз ташкилотлар асрига қадам қўйди. Янги даврнинг бошланиши жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий томонларини тубдан ўзгартириши табиий. Бундай ўзгаришлар информацион дунёдаги инсон ролига бевосита таъсир кўрсатади. Боиси инсон жамиятнинг ахборий-техник хусусиятлари йўналишига мос равишда ўзгариб боради.

Ахборий жамият кўп ҳолларда оммавий деб ҳам аталади. Бу оммавий коммуникациялар соҳасининг ривожи каби ахборатлашув жараёнлари билан боғлиқ. Глобал ва локал компьютер тармоқлари, мобил алоқа воситалари, телевидение ва радио тизимлари жамият информацион тузилмасининг ташкилий қисмларини ҳосил қилиш билан бирга одамлар орасидаги коммуникацияларни таъминлайди.

Манбаларда келтирилишича, илк маротаба «ахборий жамият» атамаси Японистаги Токио технологик институти Ю. Хаяши томонидан киритилган бўлиб, деярли бир пайтда Японияда тадқиқотчи Ф. Махлуп (1962 йили) ва океанортилик мутахассис Т. Умесао (1963 йили) томонидан қўлланилган. 1992 йилдан бошлаб атама ғарб мамлакатларида ҳам муомалага киритилган. Хусусан, АҚШда мамлакатнинг Миллий илмий фонди йиғилишларидан бирида етакчи сиёсатчиларнинг машҳур ҳисоботидан сўнг «миллий глобал информацион структура» атамаси қўллана бошлаган. Атамадан, шунингдек, кўҳна қитъанинг мазкур йўналишдаги энг кўзга кўринган мутахассисларидан бири Мартин Бангеманн раҳбарлигидаги Ахборий жамият дастурлари бўйича Европа комиссиясининг экспертлар гуруҳи изланишларида ҳам фойдаланилди. Қолаверса, Канада, Буюк Британия ва АҚШда чоп этилган кўплаб илмий мақолаларда ҳам информацион магистрал ва супермагистраллар атамалари кириб келди, дейилади «ФизОрг» манбасида.

Инсоният ҳаётида барча даврларда ҳам муҳим аҳамият касб этган ахборотнинг роли XX асрнинг ўрталаридан бошлаб жадал ижтимоий тараққиёт, илм-фан ва техниканинг мислсиз ривожи натижасида янада ошди. Бугунга келиб теле ва радиокўрсатувлар, оммавий компьютер вируси эпидемияси қайд этилганди. Гарчи илк компьютер вирусига ўхшаш дастур 1983 йилиёқ яратилган бўлса-да, фақат шу воқеа сабаб мутахассислар информацион хавфсизликни таъминлашга комплексли ёндашув зарурлиги тўғрисида ўйлаб қолишган.



Чиндан ҳам, бугун ахборот дунёда муҳим қимматга эга бойликлардан бири бўлиб қоляпти, десак муболаға бўлмас. Аввалларі ақл бовар қилмасдек туюлган рақамли келажак (шахсий компьютер, мобил телефони, интернет, планшет каби ускуналар орқали) бугунги рақамли реалликка айланмоқда. Демакки, ахборот — муҳим манба, ахборот — устунлик, ахборот — ҳуқуқ ҳамдир. Айни пайтда турли ахборотлар ҳажмининг жадал равишда ортиб бораётганини ҳам унутмаслик даркор. Мазкур ҳолат «информацион портлаш» ва «информацион стресс» каби феноменларининг ҳам юзага келишига сабаб бўлиши мумкин, дея хавотирланмоқда соҳа мутахассислари. Айнан шу сабаб психологлар информацион технологиялар ва умуман, ахборотнинг ўзидан ҳам оқилона фойдаланолмаслик, аниқроғи, маълумотлар оқими ҳамда ҳажмини назорат қила олмаслик информацион стресс ҳолатига олиб келиши мумкинлигини бот-бот таъкидлашмоқда. Буни эса эътибордан четда қолдирмаслик даркор.

Аборот билан боғлиқ муаммолар биргина бу эмас. Бугунги кун дунёси одамлари учун аҳамиятли бўлган ахборот биринчи галда муҳофаза этилиши, ундан холис мақсадда фойдаланилиши масаласи ҳам муҳимлик борасида етакчи ўринларда туради. Шу сабаб ахборотнинг инсоният ҳаётидаги ўрни нақадар муҳимлигини белгилаш мақсадида қатор махсус саналар ҳам таъсис этилди. Хусусан, Умумжаҳон ахборот куни (World Information Day) ҳар йили 26 ноябрда нишонланиб, мазкур санага 1994 йили БМТ қошида бош маслаҳатчи мавқеига эга Халқаро ахборотлаштириш академияси томонидан асос солинган. Саналанинг 26 ноябрда белгиланишига эса 1992 йили айнан шу куни ўтказилган биринчи Халқаро ахборотлаштириш форуми туртки бўлган. Бугунга келиб мазкур сана кўплаб мамлакатларда ўзига хос тадбирларни қамраган ҳолда ўтказилади.

Кенг миқёсда нишонланадиган ва ахборот билан боғлиқ яна бир сана 30 ноябрь бўлиб, у Халқаро ахборотни ҳимоя қилиш куни сифатида белгиланган. 1988 йили Америка компьютер жиҳозлари ассоциацияси томонидан эълон қилинган мазкур сана фойдаланувчиларга ўз шахсий компьютерлари ва улардаги ахборотни муҳофаза этиш зарурлигини эслатиш, бунга доир чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш мақсадида таъсис этилган.

Санани эълон қилаётганда ассоциация барча-барчага ахборотни ҳимоя қилиш лозимлигини билдириш билан бирга ликда компьютер техникаси ва дастурий воситалар ишлаб чиқарувчилар ҳамда улардан фойдаланувчилар эътиборини ахборий хавфсизлик масалаларига ҳам қаратишни назарда тутган.

1988 йил эса тасодифий равишда танланмади: айнан шу йили илк марта «Моррис чувалчанг»и дастури туридаги

Шундан бери ассоциация ташаббуси билан дунё миқёсида шу куни ахборотни муҳофаза этиш бўйича халқаро конференциялар, уларнинг доирасида эса қизиқарли ва фойдали тадбирлар ўтказилади. Бу тадбирларда фойдаланувчиларни огоҳликка чақириш мақсадида вирус дастурлари туфайли етадиган зарар миқдори маълум қилинади. Биргина мисол: 2000 йили ишга туширилган «I love you» компьютер вируси фақат Шимолий Америкаининг ўзида 1 миллиард долар зарар етказган.

Ҳар йили мазкур сана маълум шиор остида ўтказилиб, бир неча йил давомида ташкил этилаётган барча тадбирларнинг асосий ғояси замирида ҳар бир фойдаланувчи шахсан ўзи информацион актив ҳамда ресурсларининг ҳимоячисига айланиши лозимлигини уқтириб бориш мақсади ётади. Бу ҳимоя чоралари таркибига ахборотни муҳофаза қилиш, антивирус дастурлар ва тармоқлараро экранлар ўрнатиш, қийин аниқланадиган калит сўзлардан фойдаланиш, ижтимоий муҳандислик, ресурс ва активларни ҳимоя қилиш каби бир қатор тадбирлар киради.

Наргиза ИБРОҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI

“O‘QUV TA’LIM-TA’MINOT” davlat unitar korxonasi

Барча устоз ва мураббийларни, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тизимидаги ўқув муассасалари, ташкилотларида меҳнат қилаётган ҳамкасбларини

8 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги билан муборакбод этамиз!



Барчангизга энг эзгу тилакларимизни йўллашдан мамнунмиз!

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати, профессор-ўқитувчилари
ва кўпмингсонли талабалари

барча юртдошларимизни,
олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими ҳамда халқ таълими
тизимида меҳнат қилаётган
устоз-мураббийларни
Бош Қомусимиз қабул
қилинганининг 20 йиллиги
билан самимий қутлайди!



ҲАР КИМ БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.
БЕПУЛ УМУМИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.
МАКТАБ ИШЛАРИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИДАДИР.


Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси, 41-модда

«ТОШКЕНТВИЛОЯТПАХТАСАНОАТ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

20 YIL

Муҳтарам юртдошлар!
Барчангизни
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
қабул қилинганлигининг
20 йиллик байрами билан
самимий муборакбод этамиз!
Мамлакатимиз фаровонлигини
юксалтириш йўлидаги
сермашаққат ишларингизда
омад ва зафарлар
ёр бўлсин.







ЕР, ЕРОСТИ БОЙЛИКЛАРИ, СУВ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ҲАМДА БОШҚА ТАБИИЙ ЗАХИРАЛАР УМУММИЛЛИЙ БОЙЛИКДИР, УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР ВА УЛАР ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДАДИР.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 55-модда.

Gurung

Donish chirog‘i

ГЁТЕ ҲИКМАТЛАРИ

Кимки ўз даврининг яхши фуқароси бўлса, келгуси авлодларга ҳам замондош бўлишга ҳақлидир.

***

Илм — мана, инсоннинг ҳақиқий устунлиги!..

***

Донишмандлик — фақат ҳақиқатдадир.

***

Ҳаёт, гарчи у лаҳза бўлса ҳам, бурчдир.

***

Бекор ўтган умр, бу — барвақт ўлимдир.

***

Тажрибалар — бизнинг абадий ҳаёт муаллимимиз.

***

Излаган одам адашиши мумкин.

***

Кимки кўп нарсага эришмоқчи бўлса, ўз олдига катта талаблар қўйиши лозим.

***

Бегона юрт ватан бўла олмайди.

***

Ақлли кишилар — бебаҳо қомус.

***

Фаол жоҳилликдан даҳшатлироқ нарса йўқ.

***

Кўнгил азоби учун вақт энг зўр даво.

***

Ҳамиша қаҳрамон бўлиш мумкин эмасдир, лекин ҳамиша инсон бўлиб қолиш мумкин.

***

Ўзи ҳақида ҳукм чиқаришни ўрганмаган одам бошқалар ҳақида ҳукм чиқаролмайди.

***

Барча камчиликларидан қатъи назар, одамлар ҳар нарсадан ҳам кўпроқ меҳрга сазовордирлар.

***

Кимки фикрни иш билан, ишни фикр билан текшириб туриш қоидасига амал қилса, у янглишмайди, янглишган тақдирда ҳам тезда тўғри йўлга тушиб олади.

***

Ақлли, мулоҳазали, зеҳни ўткир инсонларни қомусий луғатга қиёслаш мумкин.

***

Чинакам маслакдошлар узоқ вақт аччиқлашиб юролмайдилар: улар барибир ярашиб оладилар.

***

Кўрнамаклик — ожизлик аломати.

Буюк зотлар ҳеч вақт кўрнамак бўлмайдилар.

***

Кексаларни болаларни асрагандек авайланглар.

***

Бошқаларнинг хайрихоҳлигига сазовор бўла олган одамгина тирикдир.

ПОШШОХОЖА

БЕШ АРИҒ ХОСИЯТИ

Ҳикоят

Айтурларким, бир киши бир муршид қошиға келиб айттиким, эй шайх, мандин журм ва хато кўп воқеъ бўлубдур, эмди манға тавба ва инобат берғил. Шайх айдиким, Санинг кўнглинг бир ҳавзга ўхшар ва анга беш ариғдан лой сувлар кириб, тақи ул ҳавзни тийра қилурлар. Агар ул ариғларнинг йўлларин боғласанг ва бу ҳавзга тийра сувлар кирмаса, ондин сўнг санға тавба ва инобат берурман, йўқса, тавбанинг санға ҳеч фойдаси йўқдур. Ул киши сўрдиким, ул беш ариғ қайсилардур? Шайх айди: — Бир ариғ — кўзингнинг йўлидурким, мусулмонларнинг аҳли аёлига хиёнат бирлан боқмағайсан. Яна бир ариғ — оғзингнинг йўлидурким, андин ёмон, ҳаром нималарни емағайсан. Яна бир ариғ — иликларингдурки, кишини ноҳақ уруб, молларини олмағайсан. Яна бир ариғ — оёқларингнинг йўлидурким, онинг бирлан номашруъ йўлларға бормағайсан, мисли бўзахона ва шаробхона ва мафсақа. Яна бир ариғ — қулоқларнинг йўлидурким, ғийбат сўзларни эшитмагайсан. Ул киши айди: — Эй шайх, йўллардин қайтиб, боғладим. Ондин шайх ул кишиға тавба ва инобат берди, ва оз фурсатда ул киши тариқ бирлан сулук қилди, эрса соҳиб камол муршид бўлди.

Маснавий

Халқға алтофни кам қилмоғил,
Ҳеч кишига жавру ситам
қилмағил.

Айла худонинг ғазабидин ҳазар,
Солма кишининг ҳарамига назар.

Фаҳш сўзин оғзин-ға олма мудом,
Шумлар ила доғи ичма ҳаром.

Мафсақалар қўйиға қўйма қадам,
Бўлма алар таври била муттаҳам,

Ғийбати бад қўйиға солма қулоқ,
Доим ўшал тоифадин бўл йироқ...

KONSTITUTSIYA MENING TAQDIRIMDA 20

Илҳом МУХТОРОВ,
Узун туманидаги 4-ИДУМ инглиз тили фани ўқитувчиси:

— Яхши дам — меҳнатда ҳамдам, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан, ишлаган одам ҳордиқ ҳам чиқариши керак-да. Кўнгилдагидек дам олиш эса иш унумдорлигини оширади. Бу ҳуқуқнинг Бош Қонунимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилгани мамлакатимизда инсон манфаатлари асосий эътиборда эканидан далолатдир.

Юз минглаб ҳамкасбларим қатори мен ҳам дам олиш ҳуқуқимдан фойдаланаман. Хусусан, ўтган ўқув йили якунида навбатдаги меҳнат таътилимни Термиз туманидаги «Жайрахона» санаторийсида ўтказдим. Бу борада биз ўқитувчиларга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси катта ёрдам қилади.

Касаба уюшмаси ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида пойтахтимиз бўйлаб саёҳат ташкил этилган эди. Узунлик бир гуруҳ устоз-мураббийлар қаторида мен ҳам ўз оилам билан замонавий Тошкент бўйлаб сайр қилиб, мириқиб ҳордиқ чиқардик.

Ўлмас УМАРБЕКОВ

МЕҲР

Ҳар куни саҳарда, ҳали қуёш чиқмасдан сайр қилиш одатим бор. Кўчага чиқиб, анҳор лабида айланаман, кейин боққа ўтаман.

Эрта тонгда боғнинг ҳусни ўзгача бўлади. Ҳаво муздек, бунинг устига тиниқ. Қушлар шохдан-шохга ўтиб сайрайди: гоҳ олисда, боғнинг орқа томонида, гоҳ шундай тепангизда какку “ку-ку”лайди. Читтак ўйнашиб, оёқларингиз орасида ўрмалайди, ё чир этиб юзингизни силаб ўтиб кетади.

Шундай тонгларнинг бирида боғда айланиб юрган эдим, катта саданинг тагида ўзимга таниш чол — боғ қоровулини кўриб қолдим. Супургига иягини тираб хомуш турарди.

Яқинроқ бордим. Алланарса жон ҳолатда чирқилларди. Чолнинг қулоғи шунда. Овоз гоҳ тинади, гоҳ яна кишини сескантириб чирқиллайди. Анча қулоқ солиб турдим. Чол ҳам жойидан қимирламасди. Кўзлари ўйчан. Бир маҳал супургисини ташлади-ю, саданинг орқасидан полнинг ичини чўккалаб олиб тита бошлади.

Қанча вақт титкилади, билмадим, ўрнидан турганда, қўлида ҳали шундоқ гўшт бўлган қуш боласи бор эди. Жонивор кичкина тумшуқчасини катта-катта очиб чирқилларди.

Чол алланарсалар деб қушчани эркалаган бўлди, тили билан авайлаб оғзини очиб ҳўллади. Кейин садага қаради. Мен ҳам қарадим. Саданинг одам бўйи келадиган бутоғида қандайдир қушнинг ини бор эди.

Қушча ҳамон чирқилларди. Чол бироз ўйланиб тургач, қўлини чўзиб, қушчани шу инга қўйиб қўйди. Қушчанинг овози тингач, чол жилмайдида, супургини елкасига ташлаб боғ ичкарисига кириб кетди...

Шу пайт боғ ёришиб кетди, олтин шуълаларини сочиб қуёш чиқарди. У ниҳоятда катта эди.

«ТАБИАТ ВА БИЗ» РЕБУСИ



Саволлар:

1. Жамият бўғини.
2. Тирик организмлар ўзидан ... қолдиради.
3. Шифобахш маҳсулот.
4. Карамдошлар оиласига мансуб маданий ўсимлик.
5. Оқсил таркибида 15—17 фоиз учрайдиган элемент.
6. Раъногулдошлар оиласига мансуб мева.
7. Судралиб юрувчи ҳайвон.
8. Йирик ўрмон ҳайвони.
9. Ботқоқлик ўсимликларининг табиий чиришидан ҳосил бўладиган фойдали қазилма, ёқилғи.
10. Заҳарли ўсимлик.
11. Қимматли калорияга эга балиқ маҳсулоти.
12. Муҳофазага олинган пиёз тури.
13. Чўлда чим ҳосил қилиб ўсадиган ўсимлик.
14. Д витамини етишмаслигидан келиб чиқадиган болалар касаллиги.
15. Адирларда ўсадиган кўп йиллик доривор ўсимлик.
16. Мендель чатиштириш ишлари олиб борган ўсимлик.
17. Данакли мева.
18. Қон плазмасининг 7-8 фоизини ташкил этувчи модда.
19. Полеозой эрасидаги давр.
20. Гули кўзга ташланмайдиган мевали бута.
21. Терак тури.
22. Дуккакдош ўсимлик.
23. Нерв ҳужайрасининг узун ўсимтаси.
24. Йирик баргли ўсимлик.

Бошқотирмани тўғри ечсангиз, атроф-муҳитни асраш тўғрисидаги экологик чақириқ келиб чиқади.

Тузувчи: Чуст туманидаги 7-ИДУМИ биология фани ўқитувчиси Тоҳиржон АМИНОВ

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

SAVDOGAR BANK

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "САВДОГАР" БАНКИ

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
"Савдогар" банки жамоаси барча ўқитувчи ва мураббийларни, фан, таълим ҳамда банк-молия тизимида фаолият юритаётган фидойи устозларни, юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни, ўз акциядорлари ҳамда мижозларини

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

умумхалқ байрами билан самимий қутлайди!
Ҳар бир оилага бахт-саодат,
шодлик ва фаровонлик тилайди!



«O'QITUVCHI»

НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ!



„O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этиб, ноширлик ва матбаа маҳсулотларининг барча турларини, жумладан:

— бадиий ва болалар адабиёти;

— ижтимоий-сиёсий адабиётлар;

— энциклопедиялар;

— рангли ва безакли маҳсулотлар (альбомлар, плакатлар, буклетлар, адрес папкалар ва бошқалар);

— ўқув анжомлари (умумий дафтарлар, кундаликлар, расм дафтарлари ва бошқалар);

— импорт ўрнини босадиган халқ истеъмоли моллари;

— А4 ва бошқа форматлардаги офис-хўжалик қоғозлари, канцелярия китоблари ва бошқаларни шартнома асосида, қисқа муддатларда, юқори сифат даражасида, келишилган нархларда тайёрлаб беришини маълум қилади.

Manzilimiz: 100206, O'zbekiston, Toshkent sh., Yangishahar ko'chasi, 1.
Tel.: (+99871) 224-04-12, e-mail: info@oqituvchi.uz, web-site: www.oqituvchi.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-1218.
Tiraji 32255.
Hajmi 6 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrirlar: Nargiza IBROHIMOVA, Zohidjon XOLOV.

Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Ўза акции — 23.00
Topshirildi — 23.00